

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби ижобий фазилатлар аввало оилада шаклланган.**

**Ислом КАРИМОВ**



## ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Юртимизда ўз оиласини Ватан каби муқаддас деб биладиган ибратли оилалар жуда кўп. Ана шундай оилалардан бири Тошкентдаги Гулистон маҳалласида яшовчи Эргаш ака Холқосимовлар оиласи.

Эргаш ака турмуш ўртоғи Маъмура ая билан уч нафар фарзандни оқ юшиб, оқ тараб вояга етказди. Ҳозирда эса ҳар иккиси ҳам фарзанд ва неваралар ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

**- Оила тинч-тотувлигини белгилайдиган омил нима?-деб сўрайман улардан.**

-Оиланинг сир-асрори жуда кўп. Унда келиб чиқадиган муаммони фақат икки киши-эру хотин келишиб баҳамжихат ҳал қилсагина амалий натижага эришади, бўлмаса оила деб аталмиш тарозининг бир палласи ё кўтарилиб, ё пасайиб кетиб ўз мувозанатини йўқотиши ҳеч гап эмас,-дейди Эргаш ака.- Оила қуриш қийин, эр-хотинни бир-бировининг кўнглини топиб, ҳаёт кечирishi эса ундан қийин. Тажриба эса йиллар давомида келади.

- Аёл уйнинг чароғбони. Қачонки у меҳрли бўлса, шу меҳрни авайлаб оиласи-ю болаларига беролса, улардан ҳам шу меҳрнинг улушини олади,-дейдилар Маъмура ая суҳбатни давом эттириб. - Уйнинг файзи кўпроқ аёл кишига боғлиқ. Қолаверса, эрни эр қиладиган ҳам хотин деганларидек, рўзгорбошиси-эрининг толган-тутганини тежаб-тергаб ишлатса, уйда бо-

лаларига тўғри тарбия беролса, шуни оиланинг ютуғи дейиш мумкин.

**- Кейинги пайтда кўплаб оилаларнинг бузилиб кетишига нима сабаб бўлаяпти деб ўйлайсизлар?**

- Биринчидан, ёшларнинг жуда эрта оила қуриши оиланинг бузилишига сабаб бўлмоқда, - дейди ая. - Бола хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, ўқиб-ўргансин, илму хунар эгалласин. Ўз-ўзини эплай оладиган бўлсин. Шундагина у эртага эмин эркин рўзгор тебратиб, ҳаёт қийинчиликларига чидам билан дош беради.

- Аянғизнинг гапларида жон бор,-дейди Эргаш ака суҳбатни давом эттириб.- Қиз боланинг ҳам тили ширин, ҳам кўли ширин бўлсин. Бу деганим, у сўзамол бўлсаю, бир ишни удда-лай олмаса, рўзгор тебрата оладими? Ёки, ўғил бола: ҳеч қандай хунарсиз, ишламай оила қуриши мумкинми? Албатта, оиладаги мана шундай арзимаган нарсалар туфайли жанжал чиқиши мумкин. Шунинг учун ота-она болани мустақил ҳаётга йўллашдан олдин шу тарафларни ўйлаб кўриши мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

**- Гоҳида, ота-оналарнинг фарзандлардан шикоят қилиши: "Болам гапимга кирмаяпти", ёки келин тараф "ўғлимни ўзиники қилиб олди" деган гаплари тез-тез қулоққа чалинади...**

- Ҳар бир ота-она ўз ҳаёти орқали болага таъсир кўрсатади. Бола кўз олдида рўй бераётган воқеалар таъсирида вояга етади. Ота-онанинг ҳар бир хатти-ҳаракати унинг онгига муҳрланиб бо- раверади. Шунинг учун оилада эр-хотин ниҳоят-

да эҳтиёткор, синчков бўлиши керак. Салгина эҳтиётсизлик ҳам оилага дарз етказиши мумкин,-дейди Эргаш ака.

- Халқимизда "Нима эксанг, шуни ўрасан",- деган нақл бор. Биз болаимизга нимани ўргатсак, қандай ишга йўналтирсак, улар ана шундай бўлиб вояга етишади,- дея уқтиради Маъмура ая. - Жанжалсиз уй бўлмайди. Ҳамма гап жанжални қандай бартараф этишда. Аввало, оилада: "Қизники-ўғилники" деган гапни бўлиши нотўғри. Бировни қизини келин қилдингизми, ёки қизингизни бердингизми, сал бағрикенг бўлинг. Чунки, келин ҳам, куёв ҳам болангизни орқасидан келган бола.

**- Боланинг ҳаётда мустақил қадам қўйишида ота-онанинг тарбиявий роли хусусида нималар дея оласиз?**

- Ватан-остонадан бошланади. Юқорида айтганимиздек, ота-она фарзанди учун ўрناк бўлади. Қиз бола оилада онадан бичиш-тиқиш, пазандачиликни, ўғил эса отадан мардликни, рўзгор тебратишни ўрганади. Боланинг оиладагиларга меҳру муҳаббатли бўлиб вояга етиши ҳам ота-онага боғлиқ. Бу гаплар замирида катта маъно мужассам. Шунинг учун ҳам оиладаги тотувлик, қариндош-уруғлик баҳамжихатлиги, фарзандларни меҳнатга йўналтириш оиламиз ақидасига айланган

Ф.ТОҲИРОВА

# КУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

## МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. *Мустақиллик, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак деганда сиз нимани тушунасиз?*
2. *Ўтган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажагини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?*
3. *Ўзбекистоннинг эртанги куни ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур-сизни нималарга даъват этади?*



ЎЗБЕКИСТОН, АССАЛОМ

Она халқим, асрлар эрк дея энди жонинг, Ушалдилар орзулар, қолмади ҳеч армонинг. Чин истиқлол йўлига қиқиб олди қарвонинг. Буёқ келажақ томон сени бошлар сарбонинг-Истиқболи кулган юрт, Ўзбекистон, ассалом, Ифтихорга тўлган юрт, Ўзбекистон, ассалом.

Қалбингда одамийлик, иймон-кўёшинг бордир, Хар неки тушса бошга, азим бардошинг бордир. Бағри кенг ўзбегимсан, ҳалол нон-ошинг бордир, Атрофингда қўл берган дўсту қардошинг бордир-Туркистондек уйинг бор, Ўзбекистон, ассалом, Чинор мисол бўйинг бор, Ўзбекистон, ассалом.

Дунёга юз юзлаган тароватли диёрсан, Хақ рисолин илаган шарофатли диёрсан. Эл бахтини кўзлаган матонатли диёрсан, Буласини "Сиз" лаган назокатли диёрсан-Гўшангаси тиллоли, Ўзбекистон, ассалом, Аллалари жиллоли, Ўзбекистон, ассалом.

Ватанин севган киши иймонидан кечмағай, Элим деб яшаш аҳди юрагидан ўчмағай. Нурдек тоза уйингнинг баракаси кўчмағай, Она халқим, бошимдан Ҳумо қуши учмағай-Гуллаган бөг, чаманим, Ўзбекистон, ассалом, Ўзига бек Ватаним, Ўзбекистон, ассалом.  
Бобур БОБОМУРОД

## ВАТАНПАРВАРЛИК ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

1. Мустақиллик шарофатидан халқимиз кўксига шамол теғди: Эркинлигу Озодлик кўлга киритилгач, халқимиз ўзлигини тиклай бошлади. Мустақиллик тўфайли фарзандларимиз тўлақонли илм олишлари учун кенг йўл очилди. Эски дарсликлар четлатилиб илм даргоҳларида кадриятларимиз тикланди, маънавиятимизга улкан муҳаббат руҳидаги адабиётлар ўқув дастурига киритилди.

Истиқлол тўфайли диний кадриятларимизнинг тикланиши халқимизда ифтихор ҳиссини уйғотди. Фарзандни шайрий одоб, чуқур билим асосида тарбияласак, биз ота-оналар ўз бурчимизни бажарган бўламиз. Биз тарбиялаётган бола нафақат олим, балки эл-юртуғига садоқатли одам бўлсин.

2. Ўтган саккиз йил оиламиз ҳаётига ҳам катта таъсир кўрсатди. Оиламиз аъзолари уйлик-жойлик бўлишди. 7 фарзанднинг отасимиз. Хаммаси ўзидан тинган. Ўғилларимнинг бири "Бизнес-фонд" корхонасида, иккинчиси боғжона ходими, яна бири эса ички ишлар бўлимида фаолият кўрсатади. Қизларим ҳам оилали 25 нафар неварга, 2 эва-

рага бош-қош бўлиб келаяпман. Бутун умрим давомида ўқитувчилик қилдим, қўлим бўшаган пайтларида томорқани ўзлаштириб деҳқончилик қилдим. Турмуш ўртоғим солиҳа аёл, уйда болалар тарбияси билан машғул бўлди. Яратганга шукр, бировдан кам жойимиз йўқ. Яқинда оиламиз ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди: неварам-Дилсўз олийгоҳ талабаси бўлди.

3. Эртанги куннинг яхши бўлиши бугун кўйилаётган қадамга боғлиқ. Агар болага ёшлигидан тўғри тарбия берилса, эртага биз ўз ҳосилимизни мевасидан баҳраманд бўламиз. Менинг ўз шахсий режам бор: оиламиз даврасида 6 ёшдан 13 ёшгача турли одоб турларини ёзиб берганман. Оилада вояга етаётган бола шу одобларни ўқиб-ўргансин. Қондага мувофиқ, бу режалар икки гуруҳга бўлинган, яъни 1 ёшдан 6 ёшгача (ғўдақларга мўлжалланган, энгил тарзда ўрганилади), кейингилари эса мураккаброқ. Хўш, бу қандай одоб турлари дерсиз? Менинг қисқанга одоб режимимда оддий салоомлашувдан тортиб каттани хурмат қилиш, кичикни иззат қилиш, ҳар нарсанинг ўз меъёрини билиш, илм ўрганиш, қис-

қаси бола тарбиясида нималарга эътибор бериш лозимлиги ўқитиб ўтилган. Уйлайманки, менинг кичик режимим фарзандларимнинг мустақил ҳаёт йўлларида учраган машаққатларни энгшида бир дастур вазифасини ўтайди.

Ватанпарварлик ҳар кимнинг дилида бўлади. Агар кишида иймон, яқин ёр-дўстларига меҳру муҳаббат бўлмаса, ундай одамдан бирор нарсани кутиш ноқоиздир. Бола энг аввало ота-онасини севиб улғайсин, маҳалладошларини хурмат қилсин, катталарнинг гапига қулоқ оссин. Шундагина у Ватанини сева олади, халқини ардоқлайди. Келгусида мен ўз фарзандларим ва невараларим илмли бўлишини, эл-юртуғи садоқат билан хизмат қилишини истайман. Биз кўрмаган кунларни болаларим кўрмоқда, биз кексаларнинг вазифамиз уларга ҳаёт йўлларида тўғри йўналиш бериш. Ўз бурчимизни адо эта олсақ уйлайманки, юртимизнинг ривожланиб тараққий эташига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Жамол ИСҲОҚОВ,**  
нафақадаги ўқитувчи. Чилонзор тумани, У.Юсупов маҳалласи



## ЧЕМПИОНЛАР ЮРТИ БЎЛАМИЗ

1. Ўзбекистонимиз мустақил бўлмасидан олдин ҳам деворларнинг пештоқида "Ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун" деган шiorлар осилиб турарди. Аммо бу шiorлар деярли ишлагани учун жонсиз бир буюмга ўхшарди. Кип-қизил бўлиб лувуллаб турса ҳам, одамлар унга бепарво, ишончсиз қара-

шарди. Ватанимиз истиқлолга эришгач, давлатнинг ўз фуқароси ҳақида қайғуришини, чиндан, юракдан гамжўрлик қилишни ҳис эта бошладик. Чунки фуқаросига қайғурган давлат энг аввал одамларининг саломатлиги, яъни жисмоний тарбия ҳақида кўпроқ ўйлайди.

Мамлакатимизда кўплаб спорт иншоотлари қурилди. Ёш авлоднинг жисмоний соғлом ўсиши, мунтазам спорт билан шуғулланиши борасида фармонлар қабул қилинди, махсус дастурлар ишлаб чиқилди.

Бизнинг Андижонимизда ҳам мақтансанг арзигулик теннис корти қурилди. Спорт соҳасидаги бу ўзгаришлар дарвор самара берди. Фарзандларимиз

дунё майдонларида голиб сифатида тан олина бошлади. Менинг ўғлим Руслан Чагаев галабаси шарафига ўтган саккиз йил мобайнида Ўзбекистон байроғи бир неча марта кўтарилди. У ўн тўққиз ёшида дунёнинг энг кучли боксчиларига рўпара бўлишдан чўнмади. Албатта, Русланга тинимсиз машқлар, устозлари сабоғи, иродаси куч, илҳом берди. Аммо у энг катта қудратни юртимиз озодлигидан олганига юз фоиз ишонаман. Руслан ҳар гал рингда кирганда уни йигирма тўрт миллионли Ўзбекистон меҳр билан кузатиб турганини ҳис этган.

Юртимиз фақат боксда эмас, бошқа спорт соҳаларида ҳам қатор галабаларга эришмоқда.

Мен Руслан учун ҳам, Она Ватанимизни шон-шухратга буркаётган барча голиб спортчиларимиз учун ҳам жуда қувонаман. Енгилмас ўғил-қизларимиз ёнида биз ҳам голиб оналаримиз, ахир!

2. Руслан ҳар сафар галаба билан қайтганда Андижонда катта тўй-томоша бўлиб кетади. Бу эл халқини биришайтганидан,

бирга қувониб, бирга қайғураётганидан дарак беради. Шу туйғу менинг кўнглимни ўстиради. Одамни аввал одам суясин. Шу суяниш-ишончлидир.

3. Келажақ бугуннинг тупроғида кўкаради. Мен, ўғлимдан юққандани, "Ойна жаҳон"дан кўлаб спорт мусобақаларини томоша қиламан. Фарзандларимизнинг тобора орномус учун тиришайтганларини ҳис этаман. Спорт фақат тўнрашув эмас, орномус, шани масаласи бўлаётганидан сунонаман.

Айниқса, ёш қаратчиларимиз, теннисчи қизларимизнинг интилишларига кўпроқ умид боғлайман. Ҳозир чемпион фарзандларимиз санокли. Аммо эртага улар жуда кўпайиб кетади, деб ишонаман. Ўзбекистоннинг сифати кўп-боложон юрт, саяҳат юрт, қуёшли юрт, тинликсевар юрт... Келажақда чемпионлар мамлақати бўлсақ ажаб эмас...

**Боксчи Руслан Чагаевнинг онаси - Замира Чагаева, Андижон.**

**ЎЗБЕКИСТОН:**  
**ЯНГИЛИКЛАР ВА ҚЕАЛАР**

● 19 август куни Тошкентда биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси иш бошлади. Президент Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурда нутқ сўзлади.

Давлатимиз бошлиғи мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, изоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги тўзғартришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Президентимиз булажақ парламент сайлови масалаларига батафсил тўхталиб, барча сиёсий партияларини сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий ўтказишга чақирди. Уринсиз ваъдалар беришдан, ортиқча шов-шувлар ва сохта обрў кетидан қувшдан тийилишига чақирди.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раёбариятининг 1995-1996 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини маъқуллади-лар, тегишли қарор қабул қилдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси ХУ сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда технологик хусусиятини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳамда суд ижрочилари тўғрисида"ги, "Туризм тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига ўзгартришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 2000 йил 9 январь, яқшанба куни тайинлансин, деб қарор қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайлови 1999 йил 5 декабрь, яқшанба кунига белгилансин, деб қарор қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 август куни Оқсарой қароғида Саудия Арабистони Подшоҳлиғи савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳни қабул қилди.

● Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатган барча диний жамоалар вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўлладилар.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 25 кишилик кўтқарувчилари Туркияга учиб кетди. Авария-қутқарув гуруҳи икки ҳафта мобайнида ишлаш учун барча зарур нарсалар билан таъминланган. Туркияга кўтқарувчилар гуруҳи билан бирга-лиқда кўплаб кўрпа-тўшак ва кийим-кечакдан иборат муруват юки ҳам жўнатилди.

● Саудия Арабистонинда яшовчи бир гуруҳ ватандошларимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллик байрами муносабати билан халқимизга дил ихзори билган табрикнома йўллашди.

● 19 август куни Тошкентда биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси иш бошлади. Президент Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурда нутқ сўзлади.

Давлатимиз бошлиғи мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, изоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги тўзғартришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Президентимиз булажақ парламент сайлови масалаларига батафсил тўхталиб, барча сиёсий партияларини сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий ўтказишга чақирди. Уринсиз ваъдалар беришдан, ортиқча шов-шувлар ва сохта обрў кетидан қувшдан тийилишига чақирди.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раёбариятининг 1995-1996 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини маъқуллади-лар, тегишли қарор қабул қилдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

## ГЎЗАЛ БАЙТНИНГ КЎШ МИСРАСИДЕК...



Академик ёзувчи Ойбек ва унинг рафиқаси, кимёгар олима Зарифа Саидносирова оилани қандай ёзозлашган?

Кўп илгор мамлакатларда бу масалалар мактабларнинг ўқув дастурларида бор экан. Биз акалли улуғ инсонлар турмуш тарзини ўрганиб борсак, харна кўзимиз очилур...

1924 йили Тошкентдаги муаллимлар билим юртида ўқиётган Ойбек, ўзидан бир курс кейинда таълим олаётган нозик, кош-кўзлари по-пукдеккина бир кизга кўнгли кўйди.

Зарифа Ойбекни севди. Лекин дилда борини айтишга шовшилмади. Аввал ўқишим, ақлимни танишим керак, деб бутун хаёлини шу ниятига қаратди. Ойбек ҳам унинг жавобини йиллар давомида кутди. Сабот билан ўқиди.

1925 йили билим юртини битирган Ойбек кечкурун Урта Осий Давлат Университетига ўқиб, кундузи мактабда дарс берди. Зарифа ҳам кимё факультетига кечкурун тахсил кўриб, кундузи Зебуносо номли қизлар мактабига ишлади. 1927 йили Ойбек ўқишни Ленинградга кўчирди. Энди соғинч тўла мактублар узоқлардан кела бошлади.

Шундай қилиб, муттасил беш йил давомида буларнинг севгиси имтихондан ўтди. Ва тўйлар 1929 йил ёзида бўлди. Ҳеч қандай дабдабасиз, ўттиз чоғли дўстлар даврасида... Ана шу кундан эътиборан биргаликдаги катта ҳаёт бошланди. Узаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, бир-бирига ёрдам бериш-бу оиланинг олтин қалити бўлиб қолди. Улуғ мақсадларга етишиш учун қаттиқ ишлаш санъатини ҳам улар бир-бирларидан ўргандилар.

Зарифа Ойбекнинг яхши кайфият ва илҳом билан ижод қилиши учун оилада соғлом муҳит яратила олди. Ҳа, ёзувчи учун бир офиз ширин сўз, гўлдай табассум қанчалар аҳамият касб этажигини Зарифа Ойбекнинг яхши биларди. Ойбек ўз ёзганларини қайта-қайта тахрир қилиб, саҳифаларни бўяб ташлаганида Зарифа Ойбек уларни зуққолик, илҳос ва ҳаттолик билан оққа кўчириб, ёзувчининг ишини анча енгиллаштириб қўярди. Албатта, Зарифа оиланинг ҳам ўз ишлари тўлиб-тошиб ётарди. Қизлар билим юртида физика, математика ва кимёдан дарс берар, кечкурун университетга қатнардди. Ўқийдиган қайта-қайта у ишларига ҳам улгурарди. 1930 йили Зарифа оилани янги ташкил топган Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтига тақлиф қилишди.

Уша йиллари ўзбек талабалари ва ўзбек мактаблари учун кимёдан бирорта дарслик, биронта қўлланма йўқ эди. Зарифа Ойбек кимёдан русча-ўзбекча луғат китоби яратди. Техникум ва рабфаклар учун кимё китоби ёзди. Олий ўқув юрти учун "Анорганик кимё"ни ёзди.

Бу орада фарзандлар туғилди. 1937 йили эса икки ўғилдан сўнг киз кўришди. Исмни Гулранг қўйишди.

Ойбек ўзининг машҳур "Навоий" романини ёзиб тугатган кезлари Зарифа Ойбекнинг диссертация ёклаб, кимёгар олима бўлди. Ойбек Ака-

демикликка сайланганда унинг рафиқаси кафедрани мудирли бўлди. Ойбекка Давлат мукофоти берилганда Зарифа Ойбекнинг "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони билан тақдирланди. Қатор-қатор ажойиб романилари жамоат ишлари, депутатлик фаолияти учун Ойбекка орден-медаллар берилганда Зарифа Ойбекнинг ўнлаб шогирдлар етиштирди, илмий асарлар ёзди. Фарзандларини ўқитиб, оқ ювиб, оқ таради.

Эътибор бераянсизми, Зарифа Ойбек оналикни улуғлаш билан бирга ўсиш-улғайишда, ишлашда орта қолмади. Бу оилада фан докторлари, фан номзодлари етишиб чиқди. Шунинг учун ҳам дўстлари бу оилани "Кичик фанлар академияси" деб аташар эди.

"Хаёт силлик кечмайди, албатта. Буларнинг ҳам бошига турмушнинг кўп аччиқ синовлари тушди. Ойбекнинг шухратидан дилларига ўт кетган "дўстлари" узоқ йиллар мобайнида олдидан ҳам, ортидан унга тош отиб келганлар, деб ёзган эди таниқли олим Наим Каримов. - Шундай тошлар туйғайли Ойбек айна ижодий камолот даврида тилдан қолди, оғир хасталикка учради. Аммо, шундай қалтис ҳолатда ҳам, у ижод қилишдан тўхтамади".

Тўғри, у қўлига қалам ололмади. Ўзвучининг лабларида пайдо бўлган сўзни Зарифа она ишдан келгач, сезгирлик билан илғаб, қоғозга тушираверди. Ҳар кунни неча-неча соатлаб улар шундай ишлашди. Секин-аста яна ўнлаб шеърлар, достонлар, қиссалар майдонга келди. Буни ҳар икковларнинг мислсиз жасорати, қаҳрамонлиги, бир-бирига чинакам садоқати дейиш мумкин.

Зарифа Ойбекнинг 20 томлик мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда олимларга, ноширларга жуда катта ёрдам берди. Чунки у адибнинг йирик асарлари қатори мажлисларда, учрашувлардаги сўзи, барча хатларини эҳтиётлаб олиб қўйган эди. У Ойбек кўлэмаларини махсус бюуротирилган 150 папкада гўбур кўндирмай сақлади-ки, сўз қадрига ета билшидек бу ажойиб санъат олқишга сазовордир.

Кўлэмаларни Зарифа она Ойбек уй-музейига топширди. Дарвоқе уй-музей! Бир умр икковлари яшаган, фарзандлари қамолга етган уйни, қирқ йил давомида икковлари тўплаган ноёб китобларни, уйдаги жиҳозларни Зарифа она Ойбек уй-музейига ҳада қилди. Боз устига Зарифа Ойбекнинг умрининг сўнгги йиллари "Ой-бегим менинг" номли китобини ёзиб қолдирди. Ва "Севги-буоқ згулик" дегувчи улуғ адибнинг оилага, инсонга муҳаббати, туйғулари яна бир бор баралла ифода этди.

Зарифа она умрининг охиригача институтда дарс бериб, Ойбекдан кейин ҳам кўп ишлар қилишга улгурди. 78 ёшида вафот этди. Ҳозир у ҳаёт бўлганда 90 ёшдан ошган бўларди.

Зарифа она-биринчи ўзбек расмом қизи, биринчи ўзбек кимёгар қизи, Ойбек ҳазратларининг илҳом париси, хонадоннинг чироғи, адабий меросининг посбони, уй-музейининг ташкилотчиси, она сифатида яна узоқ таърифлаш мумкин.

Қани энди ҳар биримиз септашвиш умрда бир-биримизга шулардек ҳамдам, ҳамфирқ бўла олсак. Булар Зулфиянинг айтганидек, гўзал байтнинг кўш мисрасидек абадий яшайдилар. Улар ҳар икковлари ҳам ўзларининг фидойи ва нурли умр йўллари поёнида ўлмас мерос-меҳр-муҳаббат, одамийлик, дўстлик, меҳнатсеварлик каби инсоний туйғуларнинг сўнмас гулдатасини ва ўнлаб асарларини ёдгор қолдирдилар. Биз Ойбекни ҳар гал ўқир эканмиз, унинг қалбини ёритган мунис аёл хотирасига ҳам таъзим қилгимиз келади. Ва дилимизда яна бир қарздорлик ҳиссини туямиз. Бу ҳам бўлса бу мўътабар аёл номини кеч бўлса-да, абадийлаштириш зарурлигидир. Бу гапни олдин ҳам айтганман, яна такрорлагим келади.

Санъат Маҳмудова

### ОИЛАНING ОЛТИН ҚАЛИТИ



Фаргона вилояти ўрмончилик хўжалиги бошқаруви раиси, Кўкон ўрмон хўжалиги раҳбари М.Хўжаев билан суҳбат.

Суҳбатимизни аввало хўжаликнинг иш фаолияти билан бошласак.

## ҲАР БИР ОИЛА, ЯНГИ БИР НИҲОЛ

Бизнинг ўрмон хўжалигидаги ишчилар асосан узоқ муддатли шартнома асосида меҳнат қиладилар. Улар маданий ўрмонзорлар турларини кўпайтириш, мевали ва мевасиз дарахтларни қайта шакллантириш, "касал" дарахтларни парваришлаб, ерларни сеҳросил қилиш чораларини иزلашади. Ҳовлидаги дарахтга қараш билан, ўрмончилик, боғдорчиликдаги дарахтларга ишлов беришнинг фарқи бор. Хўжалигимизнинг ўрмонзорларидаги ҳар бир дарахт-ни Республика Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғидан келтирилганми. Эман, дуб, ясон, сафо каби ажойиб дарахтларни иложи борича ўзимизнинг иқлим шароитига мослаган ҳолда парваришлаб, уларни кўпайтиришга ҳаракат қилаемиз.

Ютқ бор жойда, камчилик ҳам бўлиши табиий. Бугунги кунда сизни кўпроқ қандай муаммолар қийнайди?

Маълумки ўрмонзорлар жойлашган экин майдонларининг кўп қисмини мелиоратив ҳолати жуда ёмон аҳволда. Уларнинг унумдорлигини яхшилаш, тузланиш даражасини камайтириш мақсадида амалга оширилган шўр ювиш ишлари негадир кам самара бермоқда. Негаки, теварак-атрофдаги арик-зовурларни қавлаш, тозалаш ишлари гоётада қийин кечмоқда. Бунга эса керакли ёқилги, техника етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Оила, мактаб, боғчаларни мевали дарахтлар билан таъминлаб бориш қандай амалга оширилмоқда? Худудимиздаги Кўкон гўдак-

лар уйи, кўзи охишлар жамияти, 7 та мактаб ва маҳаллаларни мевали ва мевасиз дарахтлар билан таъминлаб келмоқдамиз. Ҳар бир ёш оила янги бир ниҳол. Шундай экан биз уларни асраб-авайлаш, парваришлаш билан бирга, уларнинг ўзларига ҳам ниҳолларга бевъэтибор бўлмасликни ўқитиб беришимиз керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қачонлардир экиб қўйган бир туп олма дарахтининг орадан беш-ўн йил ўтиб фарзандларинингизга ризқ боқадими, маҳаллангиз болаларини боқадими. Шунинг учун ҳаммаша табиат билан инсон дўст бўлиши керак. Агар сиз ерга меҳр берсангиз, ер сизни боқадими, оилангизни тўйдирадими. Юртимиз дастурхони ҳаммаша тўкин-сочин бўлаверсин.

Суҳбатдош Мухтор Бек

### ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

## БОЛАЛАР ЎЗ ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИ БИЛИШИ КЕРАК

Инсон умрининг энг беғубор пайти болаликда кечади. Унинг эртага ким бўлиб етишиши эса биз ота-оналарга, қолаверса жамоатчиликка боғлиқ. Биз болаларимизга ҳаёт ҳақида кунба-кун сабоқ берамиз, дунёқарашни кенгайтиришни истаймиз. Аммо, "Алдагани бола яхши" нақлига амал қилиб, уларнинг хоҳиш-истакларини, ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўймаймизми? Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган "Гўзал" болалар оромгоҳида ўтказилган тадбир айнан шу мавзуга бағишланди.

Болалар-юртимизнинг эртасини белгилайди. Ҳозирги пайтда юртимизда болалар тарбиясига жуда катта эътибор берилаяпти. Республика Болалар жамғармаси бу борада талайгина ишларни амалга ошираяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Бош Ассамблеяси қабул қилган "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция дунёнинг 62 мамлакатини томонидан тан олинган. Ўзбекистон бу Конвенцияни 1992 йилда ратификация қилди. Болаларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишлари ва ўзларини муҳофазаси қилишларини таъминловчи зарур қўлланмадир,-деди Ўзбекистон Болалар жамғармаси раиси И.Юсупова.-Болалар ушбу қўлланмани ўрганишлари ва билишлари фойдалидир. Маълумки, ўз ҳуқуқини билган бола келгусида мустақил ҳаётда адашмай ўсади. Келажакни ҳам ўз қўли билан яратди. Боланинг ҳаётда ўз йўлини топиб олиши аввало ота-онага, қолаверса жамоатчиликка ҳам боғлиқ. Болалар соғлом ўсиб қамолга етиши, эркин фикрлашни ўрганиши, виждон ва дин эркинлигини ёшлигидан тўғри тушуниб олиши зарур. Худди шу ўринда Конвенция уларга зарурий дастур сифатида асқотади. Негаки, болаларнинг истак ва талаблари кўп маҳалда бирдек қабул қилинган, уларнинг дунёқарашларига кескин таъсир кўрсатмоқда. Болалар Конвенциясининг жамоат жойларида, жумладан, боғча ва мактабларда ўрганилиши ижобий натижа беради, деб ўйлайман.

Шу кунги сўлим оромгоҳда дам олаётган болалар билан ушбу Конвенция дастури асосида қизиқарли ўйинлар ташкил этилди. Болалар жамғармаси томонидан ташкил этилган бу тадбир оромгоҳда дам олувчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда фаол иштирок этган болаларнинг барчаси Ўзбекистон Болалар жамғармаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, ушбу тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноби Руди Радригес иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ф.ТОҲИРОВА

## "ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК"

## АХБОРОТ

Пойтахтимизнинг Туркистон саройида Тошкент шаҳар бўйича "Энг ибратли келинчақ" кўрик танлови бўлиб ўтди. Келинчақлар ўзларининг яхши уй бекаси, меҳрибон она, тадбиркор аёл эканликларини намойиш этишди. Танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, келинчақлар ташриф, уй вазифаси, савол-жавоб, эркин мавзу шартлари бўйича ўзаро куч синашди. Танлов сўнигда ҳақамлар хайъатига голибларни аниқлаш осон кечмади. Раъно Каримова (Чилонзор тумани)-биринчи, Ҳилола Фаттохова (Собир Раҳимов тумани) ҳамда Гулноза Зоитовага

(Шайхонтоҳур тумани)- иккинчи ўрин насиб этди.

Шунингдек Барно Алиева (Юнусобод тумани), Умида Орипова (Сирғали тумани), Нодира Ортиққўжаева (Мирзо Улуғбек тумани)-учинчи ўрин соҳибалари бўлишди. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова барча келинчақларни голиблик билан табриклади. Уларга ҳомий ташкилотларнинг қimmat-баҳо совғалари топширилди.

Н. РАҲМОНОВА

## ЮРАГИМИНИНГ ОҒРИҚЛАРИ

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Кеча мендан озгина хато ўтдию, ойижоним қаттиқ танбех бердилар. Гарчи ҳақ эканликларини билсамда хафа бўлдим. Ётоғимга кириб: "Адажоним (мен амакимга келин бўлганман. Ҳам амаким, ҳам қай-натамни "адажон" деганман) бўлганларида ҳеч ҳам уришмаган бўлардилар", - дедим йиғлаб-йиғлаб ухладим. Сахарга яқин туш кўрибман: раҳматли адажоним мен билан ўғилларини ёнма-ён ўтқизиб: "Қизим, ўзингизни тутинг, яхши кунлар олдинда, ойижонингизга осон эмас, сиз ёрдам беринг", - дедилар. Эрталаб енгил тортиб уйғондим. Ювина туриб бугун пайшанба эканини эсладим, холвайтар қилдим, қуръон ўқиб, адажонимни руҳи покларига бағишладим. (Илоҳим гўрлари тўла нур бўлсин) Ўтириб адажонимнинг қизик-қизик гапларини, одатларини, болажонликларини эсладим. Орадан 3 ой ўтган бўлса ҳамки эшик очилса улар кириб келадигандек энтикиб кетаман ҳаргал, гўёки одатдагидек лиқ тўла сумкалар билан "Ҳой, ким бор ўзи", деяётгандек бўладилар... 27 март тонги қайта-қайта ҳаёлимда жонланаверади.

27 март. Эрта сахар. Ўша кун тонг отиши бирам қийин бўлдики: Ҳамма хайит байрамини орқиқиб, табассум билан, охорли либосларда кутган бўлса, биз кўзимизда ёш, қалбимизда армон, ўкинч билан кутдик. Адажоним кечаси ювиниб, пок бўлиб "эртага тонгда хайит номозига бораман", - деган эдилар. Афсус, насиб қилмади. Хайит номози ўқиб бўлинаётган вақтларда жонлари узилди. Бундан 6 соатгина олдин согпа-соғ, биз билан, бувижоним билан ҳазиллашиб ўтирган адажонимни йўқликларига ҳали-ҳануз ишонгим келмайди.

Адажоним (мен амакимга келин бўлганман) ҳам амаким, эндигина 55 ёшда эдилар. Айтишларича, хайит куни Умра ҳажи бошланган пайтда оламдан ўтганларни фаришталар ҳажга олиб кетишаркан, улар ҳожи бўлиб ўтишаркан. Адажоним хайит кунда, улуг кунда осонгина (айтишларича гуноҳи кам одамнинг жони узилиши осон бўлар экан) жон бердилар.

Биз фарзандлар ва ойижоним суянган тоғимиздан айрилиб қолганимиз учун йиғлаганимизку майли-я, бир ярим ёш кичкинагина ўғлимнинг дод-фарёдларига, адажонимни уйғотишга ҳаракат қилишларига ҳеч ким чидолмади. Биз йиғлаб ўтирганимизда майитни тезроқ ҳақиқий уйига қўйиш керак, тили қотиб қолмасдан, савол-жавоблардан ўтиши осон бўлади, деб тайёрларлик кўра бошлашди. Ўзи адажонимдан айрилиб бир куйган бўлсак у кишини ерга қўйгунча кўпроқ куйдик. Чунки, чункисини бир бошидан гапира қолай.

Адажонимни эрта сахар 3<sup>30</sup> да тоблари қочди. Мен тез ёрдамга те-

лефон қилгач 20 минутда етиб келди. Врач адажонимни кўриб: "Инсулт, мен ёрдам бера олмайман, шаҳар бўйича 1 та навбатчи кардиолог бор, ўшанга юбораман", - деб битта укол қилиб, фамилияси-диагнозини ёзиб ташлаб кетди. 45-50 минутлардан сўнг кардиолог келиб кўрди, инсултигини айтиб тузалишларига юздан ўн фоизгина имконият борлигини, олиб кетса йўлда узилиб қолишлари мумкинлигини, чунки бу касалда беморни қимирлатиш мумкин эмаслигини айтди.

Ойижоним унда қолдира қолинг, деб тилхат ёзиб, узундан-узоқ дорилар рўйхатини олиб қолдилар. Хайит байрамга бўлгани учун ҳеч қаерда дорихоналар ишламас эди, кўлимизда дорилар йўқ, яхши томонга ўзгартирилган бўлгани учун орадан 1,5 соат ўтиб яна тез ёрдамга телефон қилдик.

"Сизлар керакмас деб рад қилгансизлар, энди бормаймиз", - дейишди. 3-4 бор телефон қилиб талаб қилганимиздан сўнг келишди. Лекин



бўлган эди. Адажоним вафот этган эдилар. Келган врач "Биологический смерть" деб ёзиб берди. Энди пешинга чиқазамиз, деб одамлар айтилди. Лекин А.Икромов район милицияси ходими, участка нозирни кўмишга рухсат бермади. "Касаллик варақалари йўқ экан, тўсатдан ўлган одамни рухсатсиз кўмсанглар барибир қабрни очиб текширилади. Кутинглар, шаҳар судмедэкспертизаси ходимларини чақирдик", - деди. Мендан, амакимдан, турмушу ўртоғим Мухиддиндан тушунтириш хати ёздириб олишди. Қутиш, йиғи-сиғи билан кунимиз кеч бўлди, жанозага келганлар тарқаб кетишди. 17<sup>30</sup> да судмедэкспертиза ходимлари келишди (Сирғалида кимнидир ўлдиришди, текширишга бориб кеч қолдик, дейишди). Улар текшириб, сўзларимизни эшитиб, адажонимизни ўликхонага оқибориб, ёриб кўришга рухсат беришди. "Илтимо, бизни ҳеч кимдан давоимиз йўқ, яна бир кун қолиб кетмасинлар, кўмишга рухсат беринг", - деган гапимизга: "Бир кун нима бўпти?", - дейишди. Ноилоҳ эртаси кун Сирғали туманидаги ўликхонага олиб бориб, ёрдириб, сўнг кўмишга рухсат олдик. Оллоҳ адажонимни раҳматли, жаннати қилган бўлсин, бу дунёда кўрган азоблари у дунёда роҳат бўлсин. Президентимиз И. А. Каримовнинг тўй ва маъракаларни орқича исрофгарчиликларсиз ўтказиш ҳақидаги фармонларига амал қилган ҳолда маъракаларини ихчам қилиб ўтказдик. Орадан ойлар ўтиб оиламиздагиларни ярасини тирнаб яна буларни ёзишдан мақсадим-балким бу борадаги қонуларни бироз ўзгартириш керакмикин? Майитни бунчалик овора қилиш ҳеч бир инсонийлик, мусулмончилик қоидаларига тўғри келмайди-ку?

Дилобар ЙЎЛЧИЕВА,  
ўқитувчи.

## СЕНИНГ РУҲИНГ БИЛАН ЯШАЯПМАН



Ўлим-улкан даҳшат, чидаб бўлмас мусибат, оғир ва абадий жудалиқдир. Ҳеч ким ўлимга чап бера олмайди. Ажал саъйёдиннинг домига беистисно ҳамма илинади, ҳар келган бир куни албатта кетади. - Бу ҳаёт қонуни, буюк яратувчининг иродасидир. Х1 аср доинишманди, мутафаккир шоир Юсуф Хос Ҳожиб бу объектив жараёни тавсифлаб: "Инсон тугилади, ўлади, кўргин, унинг сўзи қолади, инсон ўзи ўлади, оти мангу қолади..." деб ёзганлар.

Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар ким кетар экан эканин олар, ундан фақат яхши ёки ёмон ном қолар.

Ҳа, рафиқам Маъфура бибидан ҳам яхши саодатли ном, ёрқин хотиралар, мангу эсдаликлар мерос бўлиб қолди. У табиятан юмшоқ, оқ кўнгил, саховатпеша, иймон-этиқодда мустаҳкам, хулқи-одоби гўзал том маънодаги қомил инсон эди. Ибо ва андиша, ширин луф ва росттўйлик, камтарлик ва меҳнатсеварлик, дил билан тилнинг, сўз би-

лан ишинг бирлиги марҳума маънавиятининг асоси эди. Янгибод маҳалласида 6 та фарзанд, 40 га яқин неваралар, кўплаб эваралар. Шунинг учун ҳам у, чинакам эҳтиром ва эъзозга лойиқдир.

Ним табассум билан менга боқиб турган рафиқам суратига илҳақ термулар эканман марҳума билан биргалликда иноқ яшаган 62 йиллик энг масъуд, энг садоқатли, олтин дақиқалар бир нафас бўлсада кўз олдимда яққол намоён бўлади. Уша илҳомбахш кунлар бир умрга хотирамда муҳрланиб қолган.

Жуфти ҳалолимнинг каминага, отаонамга ва фарзандлар камолига кўрсатган хизматлари, фидойилиги беқийсдир. У оиламизнинг кўрки, зеби-зийнати сифатида, садоқатли ёр, мунис она сифатида ўзининг ижтимоий ва шахсий бурчини шараф билан бажарди. Биз олти фарзандикки ўғил, тўрт қизни тарбиялаб воёга етказдик. Улардан биттаси профессор, учтаси фан номзоди-доцент ва иккитаси илмий ходим бўлиб етишди.

Табииyki, шу ўринда узоқ йиллар мобайнида осуда ҳаёт кечирганимизнинг сир-асрори нимада деган савол туғилади. Бунинг сабаби шундаки, биз бутун борлигимиз билан бир-биримизни тушуниб, бир-биримиздан руҳий озуқа олиб жуда иноқ яшадик, бир-биримизни авайлаб асрадик. Турмуш муаммоларини ҳал қилишда ҳамиша боёғлик билан ба-

маслаҳат ёндошдик, ҳаёт қийинчиликларига дуч келганда сабр-қаноат, ирода ва тadbир ила иш тутдик. Оилавий муносабатларда эса, "Бирни кўриб фикр кил, мингни кўриб шукр қил" ва "Мурсою-мадора" каби халқ ҳикматларига амал қилдик. Биз ўзаро жуда самимий ва кечиринми бўлдик. Уртамизда келиб чиққан барча камчилик, "низо" ва англашмовчиликларни қизишмай, вазминлик билан холисона таҳлил қилардик. Бундай муаммолар кўпинча бир-биримизга оз-оздан ён беришимиз орқали ҳам ўз ечимини топар эди.

Йиллар кетидан йиллар ўтган сари "кун ҳамро, тун ҳамро" деганларидек, ўзаро меҳр ва ҳамкорлигимиз янада кучайди ва мустаҳкамланди. Бу омил оилада тотувлик, барқарорлик муҳитини яратди ва фарзандлар тарбиясининг самарадорлигини таъминлади. Ҳамон ёдимда, тотувлик рамзи бўлмиш олтин тўйимиз нишонланаётган кутлуг наврўз кунларининг биринчи Маъфура биби фарзандларига мурожаат қилиб: "Азизларим! Умр қисқа. Лекин инсон вафотидан кейин фарзандлари тимсолида яшайди. Шунинг учун бизнинг камтарона яшаш тарзимиздан намунга ўрнак олсаларингиз эригуликдир", - деган эди.

Мана, яқинда рафиқам вафотига ҳам уш йил тўлади. Вақт ўтган сари мусибат алами ҳам, марҳуманинг қадр-қиммати ҳам тобора ошиб бераверар экан. Шу босора бўлса керак, деярли ҳар куни уни эслайман, ёд этаман, унинг руҳи покига қуръон оятларидан тиловат қиламан... Мен бу гапларни садоқатимни кўз-

ХОТИРА-МУҚАДДАС

кўз қилиш ёки рафиқамни мадҳ этиш учун эмас, балки бизнинг камтарона яшаш тарзимиз ва ўзаро муносабатларимиз бошқаларга, айниқса ёш ўғил-қизларимизга ибрат бўлса ажаб эмас, деб айтмоқчиман.

Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасининг пештоқиға кўзингиз тушган бўлса, унда қуйидаги ёзув бор: "Ўлим ҳақ, лекин одамнинг эзгу ишлари абадий яшайди". Демак, ўзидан яхши ном ва эзгу ишларни мерос қилиб қолдирган кишилар ҳамиша мангуликка дахлдордирлар. Ана шу мантиққа асосланиб, рафиқам руҳига мурожаат қиламан:

Азиз завҳам! Сени вафот этган, дейишади. Йўқ, сен ўлган эмассан, балки маънан барҳаётсан. Чунки сен боғ яратган бобгонсан. Модомики, боғинг гуллаб яшайётган экан, модомики, сен экан ниҳоллар улғайиб ҳосил бераётган экан, демак, бобгон ўлмабди. Бинобарин, сен жисман сафимизда бўлмасангда маънан ҳамиша биз билан биргадирсан. Сенинг ўлмас руҳинг эса фарзандларинг тимсолида ўғилларинг, қизларинг, неваралар, эвараларинг ҳаёти ва фаолиятида то абад мангу яшайверади. Мен эса сенинг табаруқ руҳинг билан, сен билан биргаликда яшаган саодатли кунларим хотираси билан яшаб ўтқумдир.

Эндиликда сенинг қабринг мен учун, фарзандларим учун муқаддас ва муборак зиёратгоҳ бўлиб қолди.

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ

**ОТА БЎЛИШ ОСОН, ОТАЛИК ҚИЛИШ ҚИЙИН...**

**"КЎНГЛИМНИ ТУШУНИШМАЯПТИ"-22-сон**

Тўё куни кечагина пушти камарингиздан дунёга келган фарзанди аржумандингиз мана ҳаш-паш дегунча 25 ёшни уриб қўйпти. Уни бир бошини иккита қилиб қўйиш масаласи олдингизга кўндаланг кепти, муносиб келин қидириш тараддудига тушиб қолсиз, эй Падари бузруквор! Сиз мўътабар зотни шундай кунларга етказгани учун Аллоҳи Таолога беадаб шукроналар бўлсин!

Дилбандингиз Музаффарнинг ҳулқ-атвори ва мактубидан шу нарса аён бўлиб турипти, у болалигидан бошлаб, катталарга иззат-ҳурмат, кичикларга раҳм-шафқатни қон-қонига сингдириб ўлғайган экан. Бу эса исломий иймоннинг бош белгиларидан. Зеро, Ҳадисда айтилишича, раҳми йўқнинг иймони йўқ. Сиз ўлингизга лоақаб бир оғиз ҳам айтмай келин қилмоқчи бўлган дўстингизнинг қизи бошқа бир йигитга кўнгли берган экан. Бу ҳақда унинг севгани-Нўмон деган йигит айтипти. Жигаргўшангиз билан ўша қизнинг олдига бориб, шу гап тўғриси деса, қиз: "Ҳа", - депти-да сўнг жиддий оҳангда: "Сизга турмушга чиққан куним, ўзимни ўлдираман", - дея таҳдид қилпти. Мухаббат йўлида бундай садоқатни кўрган нуридий-дангиз Тохир билан Зухра ўртасида Қоработир бўлмасликка аҳд этиб: "Нўмонга шу қизга уйланмайман", - деб йигитлик сўзини берипти ва бўлиб ўтган гапдан уйдагиларни хабардор қилпти.

Бу гап қулонгизга етгач, эй Падари бузруквор, ўз иймон-этиқодига мувофиқ йўл тутган мард ўғлонингизни қўлаш ўрнига: "Шу қизга уйланасан. Агар уйланмасанг, оқ қиламан", - дейиш баробарида ўз жигарбандингизни уриб-сўқибсиз, турли хил қийноқларга солибсиз. Жабрга сабр чидамас, деган халқ ҳикматининг қони ҳақиқат эканини ҳаётда яна бир бор тасдиқлаб, қўзингизнинг оқу қораси бўлган фарзандингиз ўзи тугилиб ўсган ота уйини тарк этиб, икки ярим ойдан буюн -ўз ёғига ўзи қоврилиб, нима қиларини билмай гарангисираб, меҳмонхоналарда жон сақлаб, изтиробдор исканжасида эзилиб юрганмиш.

Ўғлингиз Музаффарнинг ёзишича, Сиз: "... олий маълумотли, ҳаётнинг пасту баландини тушунадиган" одам экансиз. Бинобарин, эй Падари бузруквор, Сиз оқу қорани, яхши ёмонни, ҳалолу ҳаромни, савоби гуноҳни фарқга борадиган маръифатли зотлардансиз, фикри оқилсиз. Хабарингиз бор, одам боласи ўла ўлгунча Инсон бўлишни ўрганишга маҳкум этилган, бу борадаги саяй-ғайратини тўхтатгани ҳамоно у жондор сифатида умрини давом эттирверса-да, аммо Инсон сифатида ўсишдан таққа тўхтайти, яъни ўлади. Шу боис Ҳазрати Мирза Бедил раҳматуллоҳи алайҳ дермишларки:

**Одам умр бўйи ҳавас кетди,  
Токи одоб олиб, бўлгунча Инсон.**

Биз, инсонлар қўпична банди оғиз эканимизни, ақлимизнинг чеklangанлигини унутиб, ўзимизга, ўзлгимизга ҳаддан зиёд бино қўйиб юборамиз, тақабурлик иллатига гирифтор бўламиз, жаҳлимиз хурж қилганда қосир ақлимиздан ҳам ажраб қоламиз. Биласиз, инсоннинг табиатида хатоқорлик, янглиши ҳислати мажбу. Саҳву хато, янглиши қаттадан ҳам, кичикдан ҳам, ҳаттоки манман деган донадан ҳам ўтади. Гап кишининг ўз қундалик фаолиятида, ҳулқ-атворида хато, янглишига мутлақо йўл

қўймаслигида эмас, қанча тиришмади бундай қилиш қўлимиздан келмайди, балки: "Йўқ, меники тўғри", деб қайсарлик отига миниб олмасдан ва ё "Мен каттаман, ёшим улуг, шунинг учун мен ҳақман", демасдан, ҳар бир хатони вақтида фаҳлаб тан олиш, энг муҳими, уни тузата билишдир. Донишманд халқимиз: "Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик уни ордир" - деб беҳиз айтмаган.

Ота-бола ўртангизда бўлиб ўтган тўқнашувга ана шу мулоҳазалар асосида ёндошилса, масала ойдинлашади. Сиртдан қараганда Сиз ҳам, Падари бузруквор, ўғлингиз Музаффар ҳам ўз сўзингизнинг устидан чиқиб, ўз ваъдангизга содиқ қолишга интиляясиз. Бу борада иккинчи бирдек ҳақми ёки йўқ деган савол туғилади. Қани, ўзингиз чуқурроқ ўйлаб кўрингчи, эй Падари бузруквор! Сизнинг-ча, дўстингизга сенинг қизингни келин қиламан деб қаттиқ ваъда берган кўринасиз. Ўғлингизга эса лоақаб номига бўлса ҳам бир оғиз сўз айтмаганиз бу хусусда, демакки, унинг шахсиятини менсимаганиз. Ҳолбуки, фарзандга муносибатда унинг ёшини ҳисобга олиб, гўдақлик, болалик, ўсмирлик ва ниҳоят, йигит-қизлик паллаларида турлича йўл тутилиши керак. Чунки, боланинг йигит-қизлик палласида аввалги даврларда қўлланиб келадиган асос эътибори билан ҳуқуқлармонлик усулидан воз кечиб, ота-она унинг энг ақин сирдоши, дўсти ва маслаҳатгўйига айлиниши, синҳор-базинҳор жисмоний куч ишлатиб, мажбурлашга йўл қўймаслиги лозим. Сиз, эй Падари бузруквор, илғор мураббийликнинг ушбу оддий, аммо беихос муҳим қондаси-шартини бузганингиз учун дилбандингиз бағрингиздан чиқиб кетган. Бу, биринчидан.

Иккинчидан эса, тамоман бошқа йигитга кўнгли берган дўстингиз қизини келин қиламан деб, ўғлингиз Музаффарни мажбурлаш учула ёшнинг ҳам умрига зомин бўлиш демакдир. Бир-бирини жондан ортқ севган икки ёшнинг муҳаббатини поймол қилишдан ва нуридийдангиз Музаффарнинг ҳам умрига, ҳам бахтига зомин бўлишдан бошқа нарса эмас, бу аслида. Индаллоси, дўстингизга берган ваъдангиз палағда бўлиб чиқибди. Дўстингизга бор воқеани тушунтириб, илоҳо қизингиз сўйган ёри билан бахтли бўлсин, Музаффарнинг ҳам пешонаси, Худо хоҳласа, ярқираб, ўзига муносиб бирор қиз чиқиб қолар, деб ўзингизни айтиш ўрнига раҳм-шафқатни тарқ қилиб, ҳақ устида ўғлонингизга жабр қилсиз. Ваҳоланки, бундай қийим-шингиз мусулмончиликка батамом ғўлоқдир. Хабарингиз бўлса, ўта қаттиққўллик, тошбағирлик, зolimлик исломиятда ҳаром қилинган ҳислатлардан ҳисобланади. Жаноби Пайғамбаримиз ота-оналарга қарата: "Аллоҳдан кўринг ва болаларингиз борасида адолатдан узоқлашман", -деб беҳиз айтмаганлар. Зеро, Куръони Каримда: "Аллоҳ адолат қилувчиларни севди", дейилади. (Қаранг: "Мумтаҳана" сураси, 8-оят). Қисқаси, эй Падари бузруквор, палағда ваъдангиз устидан чиқман деб, мусулмончиликка жуда-жуда қадрланадиган марҳаматли унутиб қўйгансиз ва қайсарлик йўлига ўтиб, жоҳиллик билан ўз дилбандингизга нисбатан зўра-волияк ишлатгансиз. Энди, эй Падари бузруквор, ўз

айбини билган-авлиё деган ҳикматга амал қилиб, катта бошингизни кичкина этингу номақбул қилмишингиз учун ўғлонингиздан узр сўранг, чўккан қўнглини кўтаринг-да, ота-бола баамасла-хат муносиб келин ахтаришга киришинг, ҳамма-ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади, иншооллоҳ.

Навқирон диндош биродарим Музаффар! Ота-онанинг мақоми шу қадар баландки, халқимиз: "Амри падар-аршдан улуг", -деди. Абдуллоҳ ибн Аббос: "Бола ота-онасидан қайси бирини ҳафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳи Таоло ундан рози бўлмайди", -деганларида бир киши: "Агар ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак", -деб сўрайди. Абдуллоҳ: "Агар уллар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслики керак", -дейдилар. Гарчи сиз болалик ёшдан аллақачон чиқиб, ўз собит иймонингизга, ҳаёт ва одамлар ҳақида ўз мустақил тушунчата-савуригизга эга бўлсангиз ҳам, бахтир ҳам жисмонан, ҳам маънан, бутун борлигингиз бир парча этилингиздан сизни авайлаб воёга етказган ота-онанинг бебадаб саяй-ғайрати билан чамбарчас боллик, Илло-билло, буну унута кўрман. Сизнинг ҳозирги кунда Нўмон ва келинқачликка номзод қиз ўртасидаги самимий муҳаббатни эъзолаб, шу қизга уйланмаслик Нўмонга йигитлик сўзини берганингиз ҳам ота-онанинг берган тарбиясининг мевасидир. Сизни шундай қилиб воёга етказганлари учун ҳам фарзандлик бурчингизни ҳолис адо этинг, Падари бузрукворингиз хузурига бориб, ниҳоятда мулоимлик билан: "Отажон менадан ўтди, енгилтақлик қилиб, меҳрибон бағрингиздан чиқиб кетдим, бунинг учун каттақон узр", денг, кеңирим сўранг. Ишончим қомилки, Падари бузрукворингиз сизни кеңирадилар. Бир мусулмон дилига хурсандчилик солишингиз савоби етмиш йиллик ибодатдан афзалдир, дейилади Ҳадиси Усфурийда. Киши қўнглига бир олам севинч бахш этадиган бағрикенглик кеңиримлик ҳақиқий мўмин-мусулмонга хос фазилатдир. Шу боис Жаноби Пайғамбаримиз умматларига қарата: "Кеңиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кеңиримли бўлишадир", -дея марҳамат қилганлар.

Навқирон диндошим Музаффар! Илоҳо, инсон қалбининг нодир қамеб гавҳари-ҳақиқий муҳаббат сизга ҳам насиби рўзи этсин. Нўмон сингари сиз ҳам севинг, севилинг, ўзингизга муносиб сулув билан сиз ҳам бир ёстиққа бош қўйиб, серфарзанд ва сердавл бўлинг, ишқ-муҳаббат отлиғ илоҳий неъматнинг пасту баланд, соғуғ иссиқ, ширину аччиқ, қарогону зимистон, чаманзору тиканзор манзилу паллаларидан сўйганингиз билан ҳамжihatлиқда эсон-омон сабр-тоқат кўрсатиб ўтинлар, умр бўйи меҳр-муҳаббатнинг серҳарорат-қучоғида қувнаб-қувнаб қўша қаринлар, Падари бузрукворингиз билан, агар омон бўлсалар, Волида муҳтарамангизни илло бир сония бўлса ҳам назардан қочира кўрманлар, иззат-ҳурматларини ҳаммаша ўрнига қўйинлар, хизматларини беминнат адо қилиб, дуоларини олиб қолинглар, ҳар жиҳатдан барақа топасизлар. Худо хоҳласа, барча эзгу ишларингизда Парвардигорнинг ўзи мададкор бўлсин, азиз диндошим Музаффар! Камомли ҳурмат билан,

Мийн Содиқ

**ДУГОНАНГИЗ ЁМОН ЙЎЛГА БОШЛАБДИ  
"БИЛМАЙН БОСДИМ ТИКАННИ"-26-сон**

Лекин дил изҳорингизни ўқиб, сиздан жудаям ҳафа бўлиб кетдим. Наҳотки 18 ёшга кириб ҳам атрафнингиздаги инсонлардан ҳаётни ўрганмаган, тушунмаган бўлсангиз. Сизни ёзган бу изтиробларингизни 14-15 ёшдаги қўзлардан кутса бўлади. Сизни у яқин дугонангиз экан, шу пайтгача дугонангизнинг юриш-туришини, феъл-атворини, қанақа қизлигини билмаган бўлсангиз. У ўзини енгил табиатлиги билан афсуски сизнинг ҳаётингизни ҳам зулматга айлантириб юборибди. Онангиз сизни тарбиянгиз билан алоҳида шуғуллансалар эди, сиз ҳеч ҳам бу кўйга тушмас эдингиз. Синглим, бу чекайтган азобларингиз ҳаммаси бефойда, энди ўйлаб-ўйлаб ўзингизни бир дардга мубатло қилиб қўйишингиз мумкин. Сиз дугонангизнинг касрига учраб, ёшлик қилиб, қайтиб келмас қизлик даврингиз гавҳарини қўлдан бой бериб қўйибсиз. Энди бошингизни қай тошга урсангиз ҳам олдинги қизлик даврингиз қайтиб келмайди ва бу бўлиб ўтган воқеа юрагингизда бир умр доғ бўлиб қолади. У йигит бўлса яна сиздай бўшроқ, гапга қирадиган қизларни домига илинтириб, уларни ҳам обрўсини тўқиб юрaverадида. У йигитни бошдан қандайлигини билмагандингизми?

Сизни у билан таништирган дугонангиз аксинча сизга дугона эмас, сизни ёмон йўлларга қорловчи, бир тарбиясиз, ақлсиз қиз экан. Шунинг учун эскилар "Ишонмагин дўстинга, сомон тикар пўстинга", -деган мақолни беҳиз айтишмаган. Тўғри, дугона ўз йўлига, лекин Оллоҳ инсонларга бошни беҳиз бермаган-ку. Уйдан чиқиб кетаётган пайтингизда ўйлаш керак эди. Сиз у дугонангизга боролмаслигингизни бирор баҳона билан тушунтирсангиз у сизни мажбурламасди-ку? Юрагингизга санчилган тиканнинг захрини энди ангаддингизми? Унақа йигит-қизлар жуда кўп. Энди анча кеч тушундингиз. Сизга маслаҳатим энди сиз ҳаётингизни турмуш кўрган, оиласидан ажрашган, болали йигит билан бошласангизгина бахтли бўла оласиз. Яхши кўрган йигитим бор, дебсиз. Энди ундан воз кечинг, аксинча уни ҳам бахтсиз қилиб қўйишингиз мумкин. Жудаям бўлмаса бошингиздан ўтган ҳамма гапларни унга айтиб беринг. Энди у билан бахтли бўла олмайсиз. Мен сизни ишонтириб айтаманки олдинги турмуши бузилиб кетган йигитга турмушга чиқсангиз албатта бахтли бўлиб кетасиз.

Садоқат Абдуллаева,  
Ғиждувон.

**ЎЗИНГИЗНИ ҚЎЛГА ОЛИНГ  
"ЧИРОЙИМ БОШИМГА ЕТДИ" - 27-сон**

Ҳурматли Садаф опа, дил изҳорингизни ўқиб ростини этсам сизга нафратим эмас балки сизга бўлган ҳурматим янада ошди, чунки сиз бу дунёда энг асосий нарсани тушуниб олдингиз. Бу асосий нарса хатоингизни тушуниб етдингиз.

Сизга маслаҳатим Оллоҳим сизни бир бор асрабди, оилангиз бузилишини хоҳламабди. Оллоҳ бу сирни сирлигича қолдирибди, нимага сиз буну ошқора қилишингиз керак. Тўғри, ҳозир виждонингиз қийналяпти, лекин ўзингизни қўлга олинг. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин. Бу сирингизни турмуш ўртоғингизга айтишингиз шарт эмас деб биламан. Чунки эркаклар бу дунёда ҳамма нарсани кеңириши мумкин, лекин хиёнатни асло кеңиришмайди.

Оллоҳ сизни бир синабди, бу синовдан сиз яхши ўтдингиз. Бу дунёда ҳамма бир бор адашди, фақат ҳаммаси дунёда хатосини англаб етдимиз? Сиз эса қилган хатоингизни билдингиз ва яна шуну такрорлашга йўл қўймадингиз. Аксинча бошқалар адашмасин, деб бу йўлдан айримларни қайтармоқчи бўлдингиз. Шунинг учун ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин. Виждонингиз қийналмаслигини хоҳлардим, ўзингизни қўлга олиб, худди ҳеч нарса бўлмагандай юраверинг. Болангизни келажани, оилангизни ўйланг.

Тўғри, бу гапни ёзиш осон, лекин начора, Худойм сизга сабр-тоқат ато этсин деб тилаб қолувчи синглингиз,

МОҲИРА,  
Тошкент

**ОМАД ЙЎЛИНГИЗДА  
ЮЛДУЗДАЙ ПОРЛАСИН  
"ДАДА"ДЕГАН СЎЗНИ СИРА  
АЙТМАЙМАН"-26-сон**

Азиз тенгдошим "Н." сизни, изтиробларга тўла дил розилигини ўқиб, қўзларимга ёш келди. Кўз олдимда: алам, ғамларга тўла қалб, ўкинч ёшлари билан тўлган қўзлар ва мунг ила боқайтган нигоҳлар пайдо бўлди. Мен бу дил розидан ўз ҳаётимни: аламга, азобга ошно ҳаётимни кўрдим. Фақат мени Сиздан бахтим бутунлигим мени азизам, меҳрибон, мунис Онажоним борлиги. Қалб яраларингизни тирнаб, Сизга азоб беришдан, ундай қилинг, бундай йўл тутинг деб маслаҳат беришдан йироқман.

Фақатгина "Н." ҳаётда сиз-у, мен каби отаси бўла туриб унга суяна олмаган, уни меҳрини кўрмаган тирик етимлар бўлмаслигини, Сизни эса орзуларингиз камалаги юксак-юксакларда товланишини, қалбингиз армон деб аталмиши, туйғуни ўзига бегона айланиши Омад йўлига юлдуз бўлиб сизни аламли ҳаёт йўлигингизни ёритиб туришини, бахтингиз улкан бўлиб уни нурлари отангизни кўр қўзларини очиниши "Оллоҳ"дан илтижо айлаб қоламан.

Б.,  
Тошкент шаҳри

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОЛАР

**Хаммамиз учун меҳрибон ва азиз Инобатхон!**



Кутлуг айёмингиз муборак бўлсин. Бахтимизга хамиша соф-саломат бўлинг. Умр йўлдошингиз Бахтиёр, фарзандларингиз Умида, Ихтиёр, Ҳабиба, Ирода, Салима.

**Севимли фарзандларимиз АЪЛОБЕК ва РОБИЯБОНУ!**



Таваллуд кунингиз кутлуг бўлсин. Хамиша иззату-эъозда бўлинглар. Сизларга бахт тилаб қолувчи: **Даданг, бувинг, аданг, опанг, тогаларинг, холаларинг**

**Жияним ГУЛАСАЛ!**



Сени 25 август, 1 ёшга тўлган таваллуд кунинг билан табриклайман. Ақлли ва асл киз бўлиб ўсишингни тилаб, **холанг Мардона**

**Азиз фарзандим ЮЛДУЗХОН!**



Туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз. Оллоҳдан денга соғлиқ, бахт тилаб, **Бувинг, опанг, холаларинг ва укаларинг номидан Орзухон.**

Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Солиқ бошқаруви масъул ходими

**Раъшанжон КУДОБЕРОВ**

Муштақбиллигини яна 8-йиллиги муносабати билан табриклаймиз. Барча ижодкор дўстлар номидан **Дилшод ва Дил ЗОДА**

**ЎЗГАРТИРИШ ТАБРИНОМАСИ**

**ҚИЗИМНИ ОЛИБ КЕТИШИДИ...**

Бу тушимга ҳам қарийб 11 йил бўлди. Кайнотам 1982 йил апрел ойида оламдан ўтган. 1998 йил май ойида тушимга кирди. Кайнотам, гўё бизниқига келибдилар ва мени ўзлари билан кетишим учун чорляптилар. "Қизим, ташвишингиз жуда ҳам кўп экан. Мен билан ташвишсиз дунёга юринг. У ерда жуда яхши юрасиз", - дедилар. Мен "дада қўйинг, ўша ташвишсиз дунёдан менга ташвишли бўлса ҳам, шу дунё яхши. Болаларим бор. Уларни қандай ташлаб кетай ахир. Манови Нодира кизингизни кўзим қиймайди. У жуда-ёш, сиз билан қандай қилиб кетаман", - дедим. Дадам бўлсалар, "Нодирахоними, бу кизчанинг исми- айланаману-ўргиламан", - дея бошини силадилар. Шу вақт мен чўчиб уйғони кетдим. Кайнонамга айтиб берсам, "яхши қилибсиз кетмай", - дедилар. Шу кун мен айвонни дераза ромларини бўямқоқчи эдим. Ташқи томондан нарвонда эдим. Бехосдан нарвон сирғалиб кетди ва мен белим билан кўндаланг йиқилиб тушдим. Нафас ололмай қолдим, анча вақтгача ўзимга келолмадим. Тушимнинг натижаси шу бўлдики, мен кайнотам билан бирга ташвишсиз дунёга бирга кетмаганим сабабли ўлмай қолганим.

Кейинги тушимни ўша йил, яъни 1988 йил июл ойида кўрдим. Қизим, яъни кайнотамга таништириб қўйган кизим сариқ касалига чалиниб, шифохонага тушганди. Кайнотам яна тушимга кирдилар. Одатда тўю-маърака бўлса охиригача йиғиб-териб сўнг ётар эдим. Тушимда ҳам ушундай ийиштириб юрган эмишман. Бир қоронгу бурчак томонда дадамлар, яъни қайнотам турган эканлар, менга қараб шундай дедилар:

"Қизим, мендан хеч ким хабар олмай қўйдди. Ўзи ораларингга хеч ким борми, мендан хабар оладиган?"

Мен бўлсам, "дада, ахир қоронгу бўлса ким хабар олсин, сал ёруғ бўлсин, кейин хабар олувчи ҳам топилиб қолар", - дебман. Шу вақтда уйғониб кетдим-у, қизимнинг оғирлашиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Бир кундан сўнг эрта тонгда, яъни энди кун ёришай деган паллада соат 4-55 минутда қизим бир ярим ёшида мурғак кўзини абадий уйқуга юмди. Дадам эса шу-шу тушимга кирмай қўйдилар. Агар аввалги тушимда дадам билан бирга кетганимда эди, мен оламдан кўз юмар эдим. Қизимни ўзим дадамга рўбару қилган эканман. Улар қизимни бағримдан олиб олиб кетдилар ва тинч ётдилар. Туш доимо одамга бўладиган ёки бўлиб ўтган воқеалар ҳақида сўзлар экан. Менинг тушим доим ўнг келади. Хали тушларим жуда кўп, кейинги хатимда бошқасини ёзиб юбораман.

**Замира КАРИМОВА, Чиноз шахри.**

**ЎИЛА ВА ЖАМИЯТ УГИТНОМАСИ**

**САРКА**

Бўйнида кўнғироғи, Подани бошлар сарка. Кўнғироқ тақилгунча, У ҳам эди бир така.

Авваллар гоҳ ўртада, Гоҳ орқада турарди. Катта пода ичида, Билинмасдан юрарди.

Энди мавқеи бошқа, Юриши шарт одинроқ. Подага бошлиқ этди, Бўйнидаги кўнғироқ.

**Тоҳир НОРИМОВ, Самарқанд вилояти, Ургут тумани.**

Хурматли кўёвимиз **САЛИМЖОН** ва **ЕВАРАМИЗ АБДУАЗИМЖОН**

Сизни 40 ёшингиз ҳамма чаварамизни 1 ёшга тўлиши билан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ, узоқ-ўр тилаб, **Дадажонингиз, ойижонингиз.**

**Азиз онажонимиз ХОЖИНИСА!**

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин. Сизга соғлиқ, бахт тилаб, **кўнғингиз Камола, кўёвингиз Назат, невараларингиз Иброҳим, Икром.**

**БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР**

**МЕХРИНГИЗДАН ШИФО ТОПДИМ**

Яқинда менинг тобим қочиб қолди. Пайариқ туман шифохонасига даволаниш мақсадида бордим. Терапия бўлими шифокорларнинг беморларга бўлган меҳрибонлиги, ҳамширалар Сожида опа, Зухра опаларнинг ширинсўзлиги, бизнинг теъза соғайиб кетишимизга ёрдам берди. Терапия бўлимининг озодлиги, осойишталиги бизни қувонтирди. Бу ерга Жиззах вилоятдан, Гулистон шахридан ҳам беморлар келиб даво топиб кетишади. Шифокорларимиз Шавкат Исломов, Даврон Ширинбоев, А. Тўхтаевларнинг касбини севиши, касбига садоқати яққол кўриниб турибди.

Улар ҳамisha халқнинг меҳрини ва ишончини қозониб юришсин. Қўллари дард кўрмасин.

**Табобат илмининг дурдоналари, Сизлар бор халқимнинг зўр посбонлари. Меҳрингиз зиёда дарёи азим, Юзингизда ўйнаб турсин доим табассум.**

Бир гуруҳ беморлар номидан, **Феруза МУҲАММАТОВА.**

**ЭЪЛОН**

Гиёҳлар ёрдамида озиш, семирish, ажинлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз.

**Тел: 199-31-68, 125-13-93, 46-49-54.**

**УМР ЧЎККИСИ ОҒРИКСИЗ ЎТСИН**

Умрининг чўккиси бўлмиш 40-60 ёшида инсон табиий физиологик жараён-климактерик даврини (климакс) бошидан кечиради. Бу давр аёлларда 40-50 ёшлариди, эркекларда эса 50-60 ёшлариди кузатилади, аёлларда у ҳайз кўришининг тўхташида (менопауза), эркекларда эса жинсий мойиллигининг пазайишида, моддалар алмасуви бузилишида ва атеросклероз шаклида кўриниши аниқланган.

Климактерик давр инсон организмининг физиологик қарши қонуний босқичи ҳисобланади.

Ўзини жисмоний ва ақлий жиҳатдан жуда яхши ҳис қилиб юрган киши климаксда тўсатдан мураққаб, шу вақтгача ўзи билмаган бир қанча нохушлик ва касаллик аломатларини сеза бошлайди. Кўпинча бадан "қизиб кетади" (айникса аёлларда) жуда толиқади, бехол бўлади, боши айланади, гарақ-гарақ терлайди. Тажанглик, йиғлоқлик, тушкун кайфият безовта қилади. Уйку ва бедорлик тартиби бузилади. Киши тунда уйқусизликдан, кундузи мудроқ босишидан азоб чекади. Дарвоқе жинсий ҳаётга боғлиқ кечинмалар климакс даврида алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик аёллар климактерик даврни жуда оғир ўтказишади. Бундай даврда рўйи-рост ифодаланган невротик бузилишлар кузатилиши мумкин.

Кўп ҳолларда аёллар ва эркекларнинг ўзлари ҳам климактерик даврдаги но-

хушликлар сабабини англаб етмасликлар, билмасликлар, ўз кайфияти, ўз-ўзига ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатларини онгли бошқара олмасликлари мумкин. Ҳар бир одам, маълум даражада шу даврда рўй бериши мумкин бўлган нохуш кайфият, кўнгилсизликларга олдиндан хабардор ва рухан тайёр бўлмоғи керак.

Бу даврда иложи борича тушқуликка тушмаслик чораларини кўриш, яъни эркеклар ўз аёлларига, аёллар эса эрларига меҳрибонлик қилиб руҳини кўтариб, дилига озор бермай, эригини энгил қилишлари лозим.

Шундай вақтларда эр-хотинига, хотини-эрига айникса эҳтиёт бўлиб, диққат-эътибор билан қараш, ҳаётнинг анча мушкул шу даврини бошдан кечирishiда бир-бирига ёрдам бериб туриши керак. Климактерик даврда турган ва унга қадам ташлаётган кишиларга айрим маслаҳатларни эслатиб ўтишни лозим топдик.

1. Тўғри ва соғлом ҳаёт кечирish тарзига (овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш) умумий ва шахсий санитария-гигиена қонун қоидаларига риоя қилиш лозим.
2. Зарарли одатлардан (кашандалик, алкоғолизм, гиёҳвандлик ва бошқа) мутлақо воз кечish тавсия этилади.
3. Ҳар кун эрталаб бадантарбия машқлари қилиб туриш, кўпроқ соф ҳавода юриб туриш, ҳаракат қилиш, кунда душга тушиб туриш ёки уй ҳароратидаги сув билан баданни артиб туриш керак.
4. Климактерик даврига хос ўзгаришлар пайдо бўлиши билан тезкор шифокорга учрашиш зарур. Патологик климакснинг оғир кечishiда эса бемор невропатолог, эндиринолог, акулист, терапевтларга бориб ўзларини текширтиришлари шарт.
5. Овқат хилма-хил витаминларга, минерал моддаларга ва микроэлементларга бой, осон ҳазм бўладиган бўлиб, кунига 4-5 маҳал фақат маълум соатларда овқатланиш лозим. Овқатга асосан ўсимлик мойи ишлатилгани маъқул. Кечки овқатни ётишдан 2 соат олдин еб олиш керак.
6. Сут ва сут маҳсулотлардан, сабзавотлардан, кўкатлардан тайёрланган овқатларни кўпроқ истеъмол қилиб, гўшти, ёғли, қовурилган, шўр, аччиқ овқатлардан, кўп сариёғ, ун ва макарондан тайёрланган таомлар, ширинликлардан киши ўзини тийиши керак.
7. Хрен, хантал, мурч, гармдори, ўткир соуслар, шоколад, қакао, аччиқ чой, кофе ва шу каби дориворлардан ҳам воз кечishга тўғри келади.
8. Климакс даврида киши ич қотишга (қабзият) мойил бўлади. Шу сабабли ични раvon юриб туришига эътибор бериш зарур. Чунки бунинг олдини олмаса бавосил, қолият ва венанинг вазирок кенгайиш ҳасталиқлари пайдо бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳўл ва қуруқ мева, сабзавот, кўкатлардан кунига тановул қилиб

туриш тавсия этилади.

9. Соя маҳсулотлари таомларини еб туриш лозим. Чунки соя бошга қоннинг интенсив кўтарилишини пасайтириш хусусиятига эга.

10. Доривор, ўтлар ваннасини қабул қилиб туриш, ҳамда улардан тайёрланган тинчлантирувчи ёки тетиклаштирувчи дамлама, қайнатма, чойларидан истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

11. Лавлаги, картошка, узум, қовун, шафтолиларни камроқ ейиш, суюқликни кам ичиш, дудланган, маринад қилинган овқатларни камроқ тановул қилиш тавсия этилади.

12. Ҳайздан қолишда аёл тез-тез қизиб кетса, тер босса, асабийлашса тинчлантирувчи доривор ўтлар дамламасидан ёки қайнатмасидан ичиш, шунингдек бўйин, бадан, юз соҳасини намланган сочқ билан ишқаб артиш ва уқалаш керак.

13. Организмни мустаҳкамлаш ва гормонал даражани нормаллаштириб тартибга солиш учун кўпроқ дон, довия, нўхот, ёнғоқ, семичка, балиқ ва жигар истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

14. Аёлларимизда ҳайздан қолишнинг энгил ўтишини илгарироқ таъминлаб бериш учун 2-3 йил оралаб фарзанда кўриш, бола олдиришдан (аборт), шўмоллашдан, юқумли касалликлардан эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир аёл соғлом бўлганда ҳам 2-3 ойда шифокор кўригидан ўтиб туриши зарур.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент**

**САЛОМАТЛИК**

туриш тавсия этилади.

9. Соя маҳсулотлари таомларини еб туриш лозим. Чунки соя бошга қоннинг интенсив кўтарилишини пасайтириш хусусиятига эга.

10. Доривор, ўтлар ваннасини қабул қилиб туриш, ҳамда улардан тайёрланган тинчлантирувчи ёки тетиклаштирувчи дамлама, қайнатма, чойларидан истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

11. Лавлаги, картошка, узум, қовун, шафтолиларни камроқ ейиш, суюқликни кам ичиш, дудланган, маринад қилинган овқатларни камроқ тановул қилиш тавсия этилади.

12. Ҳайздан қолишда аёл тез-тез қизиб кетса, тер босса, асабийлашса тинчлантирувчи доривор ўтлар дамламасидан ёки қайнатмасидан ичиш, шунингдек бўйин, бадан, юз соҳасини намланган сочқ билан ишқаб артиш ва уқалаш керак.

13. Организмни мустаҳкамлаш ва гормонал даражани нормаллаштириб тартибга солиш учун кўпроқ дон, довия, нўхот, ёнғоқ, семичка, балиқ ва жигар истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

14. Аёлларимизда ҳайздан қолишнинг энгил ўтишини илгарироқ таъминлаб бериш учун 2-3 йил оралаб фарзанда кўриш, бола олдиришдан (аборт), шўмоллашдан, юқумли касалликлардан эҳтиёт бўлиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир аёл соғлом бўлганда ҳам 2-3 ойда шифокор кўригидан ўтиб туриши зарур.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент**

Худога минг қатла шукроналар бўлсинки, бировнинг оғир кунига, бошига тушган оғир мусабатига қулиб-мас, қуйиб- унинг келажиги нима бўлди дея, ахир у ҳам одам боласи-ку, адашибди, лекин бундан кейинига унинг тўғри йўл тутиб ҳаётда ўз ўрнини топа олишига йўл кўрсатиб юбориш керак, дея бировнинг дардини, оғирини енгил қилаётган инсонлар ҳам ҳаётимизда бор албатта. Бошига ш тушган одам ўзидан ўтганини ўзи билади. Мендек бир бахтсизга маслаҳат бериб, бундан кейинги ҳаётимда қандай йўл тутишимга йўл-йўриқ кўрсатиб юборишингизга умид қилиб ёзганман.

Менинг ёшим 26 да. Ўзим асли Хоразм томонданман. Хозирда Тошкентда яшашман. Мен туғилган пайтимда онам вафот этганлар. Мени туғаман деб, ҳаётдан кўз юмганлар. Гоҳида сикилиб онам билан ҳаёлан гаплашаман. Онажон, жоним онам, мени туғиб нима қилардингиз, ахир ўзингиз йўқ дунёда менга нима бор эди, дея зор-зор йиғлайман. Балким онам бўлганда мен ҳам ҳаётда ўз ўрниمنى топиб кетардимми? Тагин худо билади, худойимнинг хоҳлагани шудир. Лекин шуни тушундимки, туққан онанг ўрнини ҳеч ким, ҳеч қачон боса олмаскан. Қани, пешонамга ёзганини қуриб бораверай, дея мана шу кунгача келдим. Бундан буёғини ўйласам юрагим орқага тортиб кетади...

Эй худойим, турли балодан ўзинг паноҳингда асрагайсан дейман. Отам икки ёшимда бошқа аёлга ўйланганлар. Мени бувим раҳматли боққанлар. Оиламизда икки ўғил, бир қизмен кенжаси эдим. Бувим билан ўғай онам ҳеч чиқиша олмасдилар. Бувим отамнинг онаси. Ўғай онам фарзанд кўрмаган. Олдинги эридан ҳам шу сабаб ажрашган экан. Отамдан ҳам фарзанди бўлмади.

Оиламизда жуда кўп жанжал, келишмовчиликлар бўларди. Болалигимда ўқимишли одам бўлиб, яхши жойларда ишлашни ҳавас қилардим. Ўйлаган орзуларимнинг ҳеч қайсиси насиб қилмади. 8 синфда ўқиб юрган пайтимда уйдагилар "бўлди тикувчиликка берамиз", - дейишди. Мен уларга ўқимоқчиман, ҳуқуқ-муҳофаза органларида ишламоқчиман десам, "йўқ, бу иш қиз болага лойиқмас", - дедилар. "Унда актрисаликка ўқийман", - десам, ҳақоратлашди. "Ўқимайсан, хотин кишига ўқиб керакмас, эрга тегсанг ўзи боқад", - дейишди. Гап боқишдами? Афсуски 8 синфдан сўнг олиб қолишди. 1989 йил тикувчиликка қатнай бошладим, бир йил деганда мастерликка ишга олишди. Ишлаб юриб ўн етти ёшимда бир йигит билан танишиб қолдим. Кўринишдан ақли, фаросатли йигитга ўхшарди. Исми Р. эди. У билан кунора учрашиб турардик. Борган сари бир-биримизга урганиб қолдик, келажакда шу йигитга турмушга чиқсам, мени у, уни мен тушунсам, бахтли бўлармик, дея умид қилгандим. Лекин ҳаммаси чапсисага айланиб кетди. Ота-онам унга турмушга чиқишимга қаршиллик қилишди. Уйга яхши жойлардан, бой, обрўли хонадонлардан совчилар кела бошлади. Шулардан биттасини танла, шунга тегасан, - дея аттиқ туриб олишди. Мен бўлсам йўқ, Р.га тегаман, дея қаттиқ аҳд қилдим. Уйдагилар қарши эди - шундай бўлса ҳам турмуш қурдик. Бир йилгача яхши ярашдик. Кейинчалик қилиқ чиқара бошлади,

Ҳар хил арзимас нарсани баҳона қилиб жанжал чиказишга ҳаракат қиларди. Бир кун калтак еб уйга бордим, ота-онам қувиб юборишди. "Бор, ўлдирса ўлигини олиб келамиз, нима бўлса пешонангдан кўрасан. Уйга келиб ҳеч қачон камчилигиндан гап очма, эрингдан нолиб келма. Севиб тегдинг-ку, энди ҳаммасига чидайсан", - дейишди.

Буларни эшитган эрим устимдан кула бошлади. Бошқа аёллар билан юрар, бу билан мақтаниб, гердайиб ҳам қўярди. Менга қараб: "Ха, ёқмадики, бор уйингга кет. Бора олмайсан. Чунки сенинг ота-онангга керагинг йўқ" дея мазаҳ қиларди. Ичиб келиб калтаклар, оғзага келган гап билан ҳақоратлар эди. Мен олдинга тинч яшайлик, деб тушунтиришга

си кутиб турибди. Уйлансам, эртага бундан ҳам яхши бола туғиб беради, керакмас менга боланг. Боланг билан бирга йўқол", - деди. Аъзои-баданим музлаб кетди. Шундан кейин гапирмайдиган бўлдим. Чунки бефойда эди. Барибир тушунмади, калтаклиниб, хўрлаиб яшайвердим. Бошқа иложим йўқ эди. Ҳаммасини ичимга ютардим, чидаб бораверайчи, ахир ҳар бир нарсанинг чегараси бўлади, худойим шуни хоҳлабди - кўрсатапти, - дея ойлар, йилларни ўтказдим.

"Эй худойим, биз ҳам одамга ўхшаб яшайлик. Оиламизга тинчлик, хўжайинимга инсоф бер. У ҳам уйга уриш-жанжалсиз қулиб келармикан", - дея ёлворардим. Шу аснода кунлар ўтаверди. Бир

Биз сенга бошидаёқ - нима қилса шу қилсин. Уйга қайтиб нолиб келма, деганмиз-ку. Қалай, севганинг сени қадрламаптими? Қўрдингни, ҳатто сени бузуққа чиқариб уйга ташлаб кетди. Энди бор, чидайсан, ҳаммасига чидайсан", - дейишди. "Ахир жуда бўлма-са сизлар тушунинглар, мен ҳеч қанақа машинага минмадим. Бузуқчилик ҳаёлимга ҳам келган эмас", - дедим. "Ха, майли бузуқчилик қилмабсан, унда нимага келдинг кечирим сўраб, ўша ёқда тинчланиб кетмайсанми. Ўша эринг нима деса шуни қил. Нима бўлганда ҳам чидайсан. Сенга бошида айтганмиз қайтиб келишни ҳаёлингга келтирма", - дейишди. "Хўп, дедим, бир-икки кун ўтириб турай балким ҳаммасига тушуниб, келиб олиб кетар", - деб ёлвориб икки кун уйда ўтирдим. Бу орада эримнинг қўшилари эримга, "Хотиннинг машинадан тушмаган. У машина хотинингдан олдинроқ тўхтаб, бир кишини тушириб кетди. Аканг эса машина хотинингни туширди, деб ўйлаган. Бу ерда англашилмовчилик бўлган. Аканг ҳам бир нарсани ўйламай-суриштирмай гапирган. Аниқлаб кейин гапирмайдими, бориб хотинингни олиб қайт", - дейишди. Учинчи кун эрталаб уйдагилар: "Энди эринг келмайди, ўзинг бориб кечирим сўраб, эринг билан яна яшаб кетавер", - дедилар. "Хўп", - дедим бошқа иложим ҳам йўқ эди. Кетмоқчи бўлиб турганимда эримнинг ўзи кириб келди ва ота-онамга: "Нима қилмоқчисизлар, қизларингизни ажратиб олмасизларми? Ажраламан, деса ажратиб олаверинглар", - деди. Уйдагилар унга: "Йўқ, нега ажратар эканмиз, олиб кет, ўзимиз ҳозир юрормоқчи эдик", дейишди. "Кетса юрсин, қолса ана олиб қолаверинг, мен хотин зотиға ялинмайман", деди-да уйдан чиқиб кетди. Уйдагилар менга: "Бор нимага турибсан", - деган ишорани қилиб унинг изидан чиқариб юборишди. Индамай орқасидан йиғлаб юриб келавердим. Менинг энг катта айбим-ғуноҳим уни севиб турмушга чиққанам, айбим- севганим эди. Агар севиш шундай экан севиб севилайки ўтиб кетсам бўлмасмиди? Яна тўс-тўполон ҳаёт давом этарди. Менга ҳар хил тўхмат гаплар гапирар, ҳадди сикқанча сўқар, урар, нима қилишни ҳоҳласа шуни қиларди. Чунки мен унинг қўлида жонсиз бир қўғирчоқдек нарса эдим. Ҳеч кимга ичимдаги дардимни, аламларимни айта олмас эдим. Қўшни келинлар айлиниб келиш учун шаҳарга кетар, кўчада ўзаро йиғилишиб гаплашиб, қулишиб ўтиришар. Гоҳида мени ҳам қақириб қолишар эди. Мен бўлсам уларга уйда ишим кўп, дея баҳона қилардим. Чунки эрим бирон қўшни-нигиқа чиқсанг оёғини чопаман дерди. Қўрқардим, яна калтаклинишдан. Шундоқ ҳам жанжалга йўл топарди. Қўлига пивёла, чойнак олса менга қарата отар, тегизишданмас, синишидан қўрқардим. Синса: "Бор, сени деб синди, ўрнига ўрин топиб кел", - деб яна урар, уйдан қуварди. Чидадим. 8 йил умримни шу аҳволда ўтказдим. Бир кун қўшнинингизнида тўй бўлди. Тўй тугаб ҳамма тарқала бошлади. Ўғлим олдимга келиб: "Опа уйга кетдик, дадам маст. Ҳозир кетаман", деди. "Юринг кетдик", - деди. Биз кетдик. Уйга яқинлашиб қолувдик, мени биров қақиргандай бўлди. Орқамга қарасам, эрим бақириб бир йигитни урапти...

НИГОРА  
(Давоми бор)

## ЁЛГИЗ АЙБИМ СЕВГАНИМ ЭДИ...



анча уриндим, йиғлаб ёлвордим...

Биз бир-биримизни танлашда адашмаганмиз, дея атрофимиздагиларга ўрнат бўлишимиз, қолаверса менинг Сиздан бошқа кимим бор? Сиздан нолиб уйга бора олмайман. Сизни севиб топганман. Нима десангиз ҳам айтганингни қиламан. Фақат тинч яшайлик", - дердим. У бўлса, "Ха, нима сенга ялиниб оёғингни ўлиб яшайми. Мен хотинимни шундай тутаман. Ёқса шу, бўлмаса катта кўча... Хотин дегани таёқ еб яшайди. Ҳаммасига чидайди, чидама-санг кет, кета олмайсан-да. Ха, кетиб гурга борасанми? Борадиган жойинг борми? Уйинг-дагилар сени бир кун ҳам сақламайди. Яна орқамдан эргаштириб юборишад", - дерди. Мен бу гаплардан қон ютардим. Одам ҳам шунчалар ўзгариб, ваҳшийлашиб кетарканда, тавба, дея хайрон қолардим. Биргина овуноғим ўғлим эди.

Бир кун жуда ёмон калтак эдим. Чидай олмай яна ёлвордим. Боламиз ҳаққи-хурмати тинч яшайлик дедим. "Хотинингни жавобини бериб юборсанг шу бугуноқ сенга тегаман", - деб қанча-

кун нимадандир жанжал чиқариб, менга тўхмат қилди: "Икки кун олдин сен ашигимиз олдида "Волга" машина-сидан тушиб қолибсан, буни акам айтди, у қўрибди", - деди. Калтак еб кўзларим қўқариб, кўрмас даражада ишиган ҳолда акасининг олдида бордим: "Қачон мен машинада келдим, нега ёлғон гапирасиз, худодан қўрмайсизми, одам эмас экансиз... Оллоҳ гувоҳиким ёмон бўлса жазосини ўзи берсин", - дедим.

У бўлса: "Ҳақ бўлсанг нега уйингга кетиб қолмайсан, нимага уни қаматмайсан, нимага шунчалар таёқ ейсан?", - дея мени мазаҳ қилди. "Ҳаммангиз бир гўрсиз. Сизларга тенг келиб бўларканми? Қимим бор сизларнинг устингиздан арз қилишга?", - деб йиғлаб чиқиб кетдим. Шу кун эрим мени уйга олиб бориб: "Мана бузуқ қизингиз. Менга керакмас", - дея ташлаб кетди. Уйдагилар бўлса: "Олиб кет нима қилсанг қил, биз сенга бериб қўйибмиз, дея ўйингиз ўзинг биласан", - дейишди. У мени ташлаб кетди. Уйдагилар менга бақира кетишди: "Бор, эринг орқасидан кет.

## ЎША БИР АЁЛНИ ДЕБ...

Бир умр мени қийнаб келётган бир муаммо ҳақида ёзмакданман. Ёшим 15 да, 9-синфда ўқийман. Худога шукр, ота-онам бор. Лекин ота меҳрига тўймаганман.

Мана 15 га кирган бўлсам, ҳали отамнинг бизларга тўғри муносабатда бўлгани, суйиб эркалаганлари етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Отам бизлардан совиб кетган. Бунга аллақандай бир хотин сабабчи бўлиб келаяпти. Ўша хотин отамни йўлдан урган бўлса керак-ки, отам уйга келиб бизларга дўқ қиларди, мени неча марта урдилар ҳам. Ўзингиз биласиз, ота қизни урса бахтсиз бўла-

ди, дейишади. Бу кўргуликдан худо асрасин. Лекин нима қилайки, сабабсиз уривердилар, турли баҳоналарни ўйлаб топиб акаларимни ҳам урдилар, ўзларича тарбиялайман, деб ўйлайдилар. Лекин бу аҳволда фарзандларни тарбиялаб бўладими? Ахир "ота боғбон-фарзанд эса гулрайхон", - деган нақл бор-ку. Эҳ-э, отамнинг бизларни суошларини, фарзандим деб бағриларига олишларини мен учун нақадар армонлигини билсангиз эди...

Ўша бир аёлни деб фарзандларига кун бермайдиган отани қандай қилиб ота дейиш мумкин? У отами

ёки... Шунчаки бизларни суйди. Бизларга кун бермайди. Мен ўша аёлни ўлдирман ва шунга ўхшаган аёлларни жамиятимиздан супуриб ташлайман, деб ўйлайману. Лекин бир ўзимнинг кўлимдан нима ҳам келарди. Ахир мен ҳам дугоналаримга ўхшаб шодон кувноқ бўлиб улгайишни хоҳлайман. Ота меҳридан айрилишни истамайман. Дугоналарим дадасини суйганида ва дадаси уларни суйганида дил-дилидан йиғлаб юборгиларим келади. Нега ахир шундай аёлларни, фоҳишаларни йўқ қилиш тўғрисидаги қонун қучайтирилмаган? Нега бунақа нопок, виждонсиз, ор-номусини сотган аёлларни йўқ қилишга ҳеч ким ҳаракат қилмайди. Ахир бунақалар бировнинг оиласига зулм ўтказаяпти ва қанчадан-қанча оилаларни бузилишига сабабчи бўли-

шаяпти-ку. Мен бу жирканч аёллардан нафратланаман. Менинг отам билан юрган аёлга ҳам, икки дунёда худойимнинг лаънатлари ёғилиб қолишни истаيمان. Охиратда кул бўлсин, деб дуо қиламан. Менинг ҳаётимни, қолаверса оиламизни заҳарлаб келётган бу аёлни олдига бориб гапирмоқчиман. Биз ҳам ота меҳрига зормиз-ку...

Нима қилай, у аёлнинг олдига бораёми ёки отамдан воз кечайми? Илтимос, мени тўғри тушунарсизлар деган ниятда сизларга дил сандиғимни очдим. Сизлардан наҳот йўлини ва тўғри маслаҳатни кутиб қолувчи синглингиз.

Д.,  
Тошкент шаҳри.

# ҚАЙТА ОЛСАМ ЭДИ ҚОШИНГА БУТҚУЛ...

1993 йил... Кунларнинг бирида 17 ёшли қишлоқлик содда қиз Тошкентдаги Тиббиёт Олийгоҳига ҳужжат топширдим. Онажоним ва катта буви-лар мени ётоқхонага яхши қизлар олдига жойлашиб эртасига йўлга чиқмоқчи бўлишди.

Худди ана шу кундан менинг мустақил ва катта шаҳардаги мусофир ҳаётим бошланди. Уша маъсур кунларимнинг бирида биз ака-сингил тутиндик. Сизни менга онам таниш-тирган эдилар. Ҳамон ёдимда... Сиз аллақандай ҳарбий формада югуриб келиб қўлимиздаги юкмизани олдингиз. Аввал ойимлардан, кейин мендан... жомадонимни олаётганингизда "раҳмат", дедим. Кейинчалик сизга оддийгина "раҳмат" билан бошланган миннатдорчилигимни самимий порлаб турган кўзларингизга умрбод қараб туриб айтиш насиб қилмаган бўлса-да, юрагимда беун айтажамини кошки содда кўнглим сезган бўлса. Онамлар сизни жуда ҳурмат қила бошладилар, ҳар гал уйга борганимда сизни сўраб "жуда яхши бола, акангиз ҳурмат қил", дердилар. Аммо онажонимнинг куюнчақлик билан айтган сўзлари ака-сиз ўсган қизнинг қулқорларига қуйилса-да, юрагига қуйила олмаслигини билганимдами?

Сиз бир неча курс юқорида ўқирдингиз. Оллоҳнинг инояти билан Олийгоҳ талабаси бўлган "синглингиз" сизни жуда ҳурмат қиларди. Унга ҳаммани ҳаваси келарди, бирорта йигит сизнинг юзингизга оёқ қўйиб у қизга гап ташлашга журъат этолмасди. Ҳа, ўшанда мендан бахтиёр одам йўқ эди дунёда. Кучли, бақувват "ака", ётоқхонадаги ҳурмат, бир мусофир киз дилини тоғ қадар юксалтирарди. Аммо, бир неча ой ўтиб ака сўзини олдиға исмингизни қўймасам айта олмаслигим, кўзларингизга тик қараб гапира олмаслигим ва юрагимда илоҳий бир туйғу уйғониб "тоғлар"да бош эгиши мени энди осмон қадар бахтиёр айлади...

Ҳаммаси кундалиқдан бошланди. Сизнинг тақдирингиз, кечинмаларингиз битилган қалин дафтар икита бўлиб қайтишини кутмаган эдингиз. Менимда қалбим "ҳамроҳига айланган ёзувларим жамламаси" кўлингизда эди. Уни бераётганимда ичиди сизга аталган яримта варақ бўлмаса-да, йиллар ўтган исмингиз минг-минг бора ёзилажак кундалиқни кўксингизга босиб уйқуга кетган экансиз. Орадан йиллар ўтди. Тақдиримизда бирга бўлиш насиб этмаган экан. Аммо ҳар гал кундалиқни қўлга олганимда мактубларингизнинг бирида битилган ва кейинчалик қирчиб менинг қалб дафтаримга ёпиштирилган шеърга кўзим тушганида хотиротларим уйғониб сизни кўргим келаверади.

**Парчагина булут, чексиз осмон, Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл. Барча қайгуларим унутиб ҳамон, Қайта олсам эди қошинга бутқул...**  
"Қайта олсам эди" қайта-қайта тақорлайди юрагим. Юрагимнинг тубидан бир ҳайқирқ келади, қайтариб бўлмас йиллар қарвони мени сиздан йироқлаштириверади. Эсингизда борми, илк марта ки-

нога таклиф қилганингиз. Қишлоқнинг темир қонунарига бўйсинар юрак сизнинг олдингизда ожиз қолди. Фақат сизга қатъий қилиб айтган шартини ҳамон эслаб қуламан. "Илтимос, бизни ҳеч ким бирга кўрмасин, бекатта чиқиб туриб, ҳозир чиқаман", - дегандим. Яна "Халқлар дўстлиги"га Даврон Ғойиповнинг концертига таклиф қилганингизда етиб боргач, "Агар ичкарида курсдошларим бўлса кирмайман", - дегандим. Барчасини илик хотиралар билан эслайман.

Синглингиз, ука, хиянларингиз барчаси билан яхши таниш эдик. Мен Тошкентда сизнинг олдингизда юрагимда еттинчи осмонда парвоз айлардим. Фарғонамга-она Фарғонамга ҳар борганимда эса минг хил ўй-хаёллар билан қайтардим. "Сен менинг катта фарзандимсан. Сен яхши ўқиб келиб, ўзимизда энг зўр врач бўласан, дўхтирларнинг айби билан бевақт оламдан кўз юмган опанг ва укангни доғини душманнинг ҳам раво кўрмайман", - деб олам-олам, ниятлар қилган дадамнинг сўзини икки қилолмасдим. Кўнглимда эса сизга аталган энг гўзал сўзлар ўрнига мудом аччиқаччиқ гаплар эшитсангизда ҳеч қачон мендан воз кечмас эдингиз. Мен эса янги-янги баҳоналар, ёлғонларни ишлатиб кўнглингизни оз бўлсада совут-

моқ истагидида муҳаббатталаб қалбимни озорлардим. Дилда бошқа-ю, тилда бошқа одамни иккиюзламачи дердилар. Мен эса улар сирасига кирмаганим, йўқми, деб виждон азобида ўртанардим. Аммо сизнинг "Ота рози худо рози", сиз отангизни жуда ҳурмат қиласиз ва шуни ҳақ учун ҳам сизни жонимдан ортиқ кўраман", деб ёзган мактубингизни эстигим остида асрайман.

Баъзида гоҳ у қизнинг, гоҳ бу қизнинг кўнгли қўйган йигити билан ўрталари бузилса оҳ-воҳ қилиб, сўнг бир дунё ёмон сўзлар билан "севги" боғини вайрон айлаганлариди уларни ёқламайман ва улар муҳаббат деб ўйлаган ўткинчи ҳиссиётни ўлчаб кўргувчи ҳеч қандай тарозу йўқлиги амин бўламан. Лекин қалбимнинг энг юксак армонида қолган энг азиз сиймонгизни муҳаббат осмонининг энг тўрида ёзозлайман. Балки йўлларимизни айро қилган тағирим бир яхшига бир ёмон, иккиси бошқа икки инсонни бахтли қилсин деганми?

"Лекин юзимсиз" дегувчи меҳрибон дадажоним ҳар борганимда айтилажак бу ниятлари билан мени сиздан узоқроқ бўлишга ундарди. Менинг фикри оҳимизча, дадам узоққа киз бермоқчи эмаслигини менга силлиққина тушунтириб, мени она шахримга ипсиз бойларди.

Аммо кейинчалик онажонимга айтилган бир гапнинг беихтиёр гувоҳи бўлдим, ўзимда йўқ севибдим. "Қизинг юзимизни қаро қилмайди, унга ишонаман ва ўзи хоҳлаган инсонга турмушга узатаман", - деганида мени тўсиб турган консиз эшик ҳам кўзларимдаги балққан қувонч нурини кўрганига аминман. Аммо шодлигим, қаттиқ алам ва армон билан менинг орзуларимни ерларчин бўлиши ва Тошкентга таътилдан сўнг қайтишимда тўйингиз дарагини эшитган тун тонига қадар йўғлаб чиқишимни, кундалиқни ўша варағини Мухиддин Омоннинг тўрт мисра шеърига тўлдирди:

**Бир тишлам бахт беринг,  
Бир қултум севиб,  
Бир қушча эрки ҳам менга етади,  
Илтимос, биродар бир қараб қўйинг.  
Сандиқдаги иқбол занглаб кетади...**

Бир тишлам бахт гадоси бўлган, юрагим ўша сизнинг уйингизга ёр-ёр келган окшом 31 августдан бошлаб

сизга бир бутун қўша бахтлар тилаб сандиқдаги асралган иқболи илнжиди тонг оттирди. Сизни севишларингизни кўрсам, кўзларингизга қўйилиб кетаётган нурида ўзимдан қизғониб ортингиздан пинҳон боқардим. Ётоқхонага жўфти ҳалолнингизни бошлаб келганингизда ҳасад эмас ҳавас-ла

боқдим. Билинар-билимас бўлажак фарзандингиз нишонасига қараганимда, сизларга ўн саккиз минг оламнинг бахтини сўрадим. Мен ҳамон сизни кузатадиган деразамни кўмсайивераман. Сиз ҳаёда этган ва аразлаганимда қайтариб берадиган китобларингизни ҳам, олдингизда тумтайиб, кетганингиздан сўнг маъза қилиб ейдиган шоколада ширинликларни ҳам ёш гўдақдай соғинаман. Сиздан сўнг севаман сизни деб кимлар жар солмади, дейсиз. Соғва-саломларга қарагим келмас, ўлдим-қуйдимларни эмас, "кундалиқ"даги пок сатрларни кутганларим сизга бўлган муҳаббатимни баттар

оловлантирарди.

Сиз шунча севиб, ҳаттоки қўлимни ушлашга журъат этолмаганингиз, менга пок туйғулар, азиз ниятлар билан уйлангандагина шаръий никоҳ билан тан маҳрам бўла олишингизни айтмасангиз ҳам, сезган кўнглим эгри ниятда "севги" изҳор қилганларни ҳақиқий башарасини очиб ташларди. Менинг бошимдан кечган барча азоблар сизнинг тақдирингизда битилганди. Касал бўлиб қолиб ўқишдан қолиш, сўнг тикланолмай қийналиш тўхмату бўҳтонларга чидаб, умрнинг барча синовларига мардона бардош беришга ваъдалашгандай бир хил эди. Кундалигимни ўқиб ёзган мактубингизда "Болалигимиз ҳам, ўқувчилик йилларимиз ҳам, ота-онамиз ҳам ўхшар экан", сўзлари битилган эди. Оллоҳ мусофир шаҳардаги қийинчилиги кўнгли азобларини ҳам бир хилда бўлиб берганди. Аммо ҳеч бўлмаганда сизнинг қалбингиз мен асло этолмаган бахтни толиб, сизни оталик шаънига муяссар этган тағрига мингдан минг шукрлар айтардим.

Фарҳод ака! Сиз шу заминда мен нафас олиб турган ҳаводан баҳраманд бўлиб, мен тунлар томоша қилиб талашган энг ёруғ юлдузини сиз ҳам умидвор нигоҳлар билан эркалашингизнинг мен узи ҳам бахт эмасми?! Фанимлар нима десалар десин, аммо ўртаимиздаги самимий, беғараз олий туйғунинг чўққиларда турган ҳар бир ҳарфига ҳам арзимас гап-сўзларга юрагимда ўрин йўқ. Сизга раҳмат билан бошланган миннатдорчилигимнинг асл боиси ҳам мана шу, сиз менга мард йигит, олижаноб инсон қандай бўлишини кўрсатиб, анча ёлғону фирибгарликлардан асраб қолдингиз.

Фарҳод ака, кунлардан бир куни бу кундалиқдан ташқари битилган қалб сўзларимни ҳам ўқирсиз. Кимлигимни эслаганингизнинг ўзиёқ менинг бахтим эмасми?!

Кунлардан бир куни мен ҳам кимнингдир хонадонига оппоқ либосда ташриф буюриб, сизнинг муҳаббатингиз туйғули пок сақланган номуслим шарафи бир инсонни бахтиёр этганини кўриб, юзим ёруғ бўлганда илоҳий туйғуга тасаннолар айтажамин бахт эмасми?!

Биласизми, ҳар гал қўлимга қалам олиб шеър ёза бошлаганимда сиз ҳақингизда бир нима ёзгим келади, аммо нетайки илҳом париларидан-да қизғонаман азиз сиймонгизни, шеърларимда эмас юрагимда асрагим келади. Зеро кунларнинг бирида сизни учратган ўша ширин, мусаффо, бегараз дамлар учун Оллоҳга шукроналар айтавераман.

Кунларнинг бирида сизни учратган, Юрагим покликка қомрон бўлади. **Келин бўлмасам ҳам Самарқандларга, Бибиҳоним руҳи шодмон бўлади, Кунларнинг бирида сизга илган, Бахтарим кўнглимга меҳмон бўлади. Сизга айтолмаган энг азиз сўзим, Муҳаббат аталган дoston бўлади, Муҳаббат аталган осмон бўлади...**

Мадина БОНУ Фарғона.

**«Оила ва жамият» муштарийлари диққатига!**  
Газетамизнинг навбатдаги сони 31-август - Сешанба куни чиқади.

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

**ХОМИЙ**

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - {якка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
33144 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобок.  
Баҳоси эркин нархда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи — Н. ЙҮЛДОШЕВА.